

ISSN 2181-9521

№ 12-son, 2019



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# 2019 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ КУНИ “СУД ОРГАНЛАРИ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАФОТОРЕПОРТАЖ С МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИЕЙ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕЙ


OF PHOTO REPORT OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE  
OF ENSURING THE INDEPENDENCE OF JUDGES



# УСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ ЛҶАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАН ФОТОРЕПОРТАЖ

## ЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ: «АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НЫХ ОРГАНОВ» ОТ 26 НОЯБРЯ 2019 ГОДА

### ONFERENCE ON THE TOPIC: “ACTUAL ISSUES DENCE OF THE JUDICIARY”



**«ODILLIK MEZONI»**  
илмий-амалий,  
хуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши хузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Хамкорлар**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**  
Кенгаш раиси  
Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДОРОВ  
Акмал МУРОДОВ  
Икром МУСЛИМОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Маъруф ТАЖИБОЕВ

**Бош муҳаррир**  
Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**  
Жамила ЭШОНҚУЛОВА

**Саҳифаловчи дизайнер**  
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон карори  
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй

**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
27 августда 0972-ракам билан  
кайта рўйхатдан ўтган.  
**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материалардан  
фойдаланилганда, манба қайд  
этилиши керак.

Босишига 23.12.2019 да рухсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12  
Адади 1800  
Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида  
чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100027, Тошкент  
шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
Олмазор кўчаси, 1-йй

# МУНДАРИЖА

Жараён



6-бет

**Суд органлари  
мустакиллигини таъминлаш:  
миллий амалиёт ва  
халқаро тажриба**

10-бет

**Международная конференция на тему:  
«Актуальные вопросы обеспечения  
независимости судебных органов»**

12-бет

**Of the international  
conference on the topic:  
“Actual issues of ensuring the  
independence of the judiciary”**

15-бет

Хамкаслар ижодидан

**БАХТНОМА,  
Асосий Қонуним**



16-бет


**Суд тизимидағи  
ислоҳотларнинг  
конституциявий-  
хуқуқий асослари**

Кун мавзузи



Ибрат

**Султонга  
дарс берган  
хизматкор**



21-бет

Моҳият



**Хуқуқий ҳаёт  
пойдевори**

22-бет

**Конституция  
тараққиёт таянчи**



Янги меъёрлар

24-бет

## Сайлов ва референдумлар билан боғлиқ жавобгарлик

Бугуннинг гапи

28-бет

## Сохта банкротлик учун жавобгарлик

Таҳлил

30-бет

## Мехнат стажи ва пенсия тизимидағи янги кафолатлар

Мутахассис мұлоҳазаси

33-бет

## Адвокатура институтины тақомиллаштириш масалалари

Қонун ва амалиёт

36-бет

## Никоҳ шартномаси – масъулиятни оширади

Судья билан сұхбат

38-бет

## Масъулият, ирода ва матонат әгаси

Фуқаролик жамияты

41-бет

## Хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг роли

Қиёсий таҳлил

44-бет

## “Мажбурий меҳнат” тушунчаси

Мухим мавзу

48-бет

## Коррупцияга қарши курашиш учун барчамиз масъулмиз

Тадқиқот

51-бет

## Жамоат экологик назоратига оид хорижий давлатлар тажрибаси

Масъулияттимиз мезонлари

54-бет

## Халқ назари құдратли...

Эксперт фикри

56-бет

## Селекция ютуқларини тијоратлаштириш

Важная тема

58-бет

## Умение управлять временем – как важный фактор в работе председателя суда



About labor problems

60-бет

## Current challenges in the time of employee work and measures to overcome them

Суд очерки

62-бет

## Эшик ортидаги ким..?





## СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси резолюцияси билан маъқулланган Суд органлари мустақиллигининг асосий тамоиллари қабул қилинганинг 35 йиллиги муносабати билан 2019 йил 26 ноябрь куни Тошкент шаҳрида “Суд органлари мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби, Инсон ҳуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда “Минтақавий мулоқот” (Словения) халқаро нохукумат ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигига ташкил этилди.

Анжуман давомида суд органлари мустақиллигига тегишли масалалар, судлар ва судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилди. Сўзга чиққан маърузачилар мамлакатимиз суд тизимини замонавий талаблар, шунингдек, одил судлов бўйича халқаро мезонларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва мақбуллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришиди.

Тадбирда АҚШ, Словения, Франция, Хорватия, Қозогистон ва Жанубий Кореялик халқаро эксперталар, Конституциявий ва Олий суд судьялари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ОАВ ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Қуйида халқаро конференцияда иштирок этган маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



**Убайдулла МИНГБОЕВ, Судьялар олий кенгаши раиси:**

– Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги уч ийл ичидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигига мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган суд ҳокимияти мустақиллигини, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бирор-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди ва бу тизимли давом эттирилмоқда.

Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига

номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг давлат ваколатлари га эга бўлган органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ташкил этилди. Ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиётининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши” белгиланди. Судьялар олий кенгashiga конституциявий мақом берилганилиги унинг мустақиллиги ва холислигини мустаҳкамлайди.

Кенгash фаолияти очиқлик, холислик, коллегиаллик принципларига асосланган. Ушбу конституцион органнинг асосий вазифаларидан бири судьялар корпусини юксак маънавий-ахлоқий фазилатга, етарли ҳёттий тажрибага, мустақил фикрлаш ҳамда ўзи қабул қилган қарор учун жавобгарликни ўзига олиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали судьяларни танлаш ва тайинлаш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги анжумандан фойдаланиб алоҳида таъкидлашни истардимки, Кенгash судьялик лавозимларига номзодларни танлашда ва тайинлашда номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар тенглик принципига риоя қиласди.



**Джон Танхайм, Миннесота округи бўйича бош Федерал судья (АҚШ):**

– Дастрраб, алоҳида таъкидлашни истардимки, бугунги ҳалқаро конференция мавзуси, яъни, суд органлари мустақиллигини таъминлаш масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дунёдаги барча мамлакатларда долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги анжуманда иштирок этиб, ушбу муҳим масалада Ўзбекистон тажрибаси

билан яқиндан танишдим. Маърузаларда эътироф этилганидек, Ўзбекистон қонунчилигига бунга алоҳида эътибор қаратилган. Суд ҳокимиётининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьяларнинг ваколатлари муддатлари муҳим аҳамиятга эга. Судьялик лавозимига тайинлаш ёки сайлашнинг биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга лавозимда бўлишни назарда тутувчи янги тартиб киритилибди.

Ушбу тартиб БМТ Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколати муддати судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутади. Ушбу норма судьянинг ўзгартирилмаслигининг асосий кафолати – унинг мустақиллигининг асосий элементларидан бири ҳисобланади.



**Акмал САЙДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори:**

– Ривожланган демократик мамлакатларнинг нуфузли эксперtlари иштирок этаётган ушбу ҳалқаро анжуманинн ўтказишдан кўзланган мақсад — суд органларига тегишли асосий стандартлар ва ҳалқаро ҳуқук нормаларини муҳокама қилиш, ҳалқаро жамоатчилик вакиллари билан тажриба алмасиш, хорижий давлатларнинг суд органлари мустақиллиги масалалари бўйича амалиётини таққослашдан иборат.

Ўзбекистон ушбу ҳалқаро хужжатга 1997 йил 30 августда қўшилган. Ундаги суд ҳокимиётининг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган асосий нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиётини қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиётлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши”, 112-моддасида эса, “судья-

нинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсуниши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши” билан боғлиқ конституцион қоида белгиланган.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тегишли моддаларида судьялар фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият юритиши, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки гайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жинонӣ жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ муҳим меъёrlар ўз аксини топган.

Бундан англашиладики, судьялар фаолиятини амалга оширишда уларнинг ўз мустақиллигини таъминлашнинг хукуқий асослари яратилган.



**Сунг Су Джэ, Суд тадқиқоти ва судьялар тайёрлаш институти профессори (Жанубий Корея):**

– Аввало Суд органлари мустақиллигини таъминлаш бўйича Жанубий Кореяда тўплangan тажриба ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Жанубий Корея Конституциясида ижро ҳокимияти томонидан ўзбошимчалик билан суд ишларига аралашув тақиқланиши, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ қатор меъёrlар ўрнатилган.

Хусусан, Корея Конституциясида судья ўзи конституция ва қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда фақат виждонига қараб мустақил равишда суд қиласди деган тушунча устувор аҳамият касб этади. Бу ерда виждон ҳар бир судьянинг инсонийлик виждонига қараб эмас, балки судья сифатида

касби талаб қилган виждонига қараб қарор чиқариши назарда тутилади.

Судьяларнинг функционал мустақиллигини шартли равишда «ташқи аралашувдан мустақиллик, ички аралашувдан мустақиллик ва суд тарафидан мустақиллик»ка бўлиш мумкин. Ташқи аралашувдан мустақиллик бошқа ҳокимият идоралари, масалан маъмурият мустақиллигидан келиб чиқкан ҳолда суд ишлари муҳокама қилиб келинади. Аммо бугунги кундаги ахборот алмашинуви тезлашгани сабабли жамоатчилик фикри ва ижтимоий босим гуруҳларидан мустақиллик муаммога айланди. Гарчи судьялар ижтимоий танқидни ўз виждонлагига кўра қабул қилишлари керак бўлса-да, агар босим даражаси психологик зўравонлик бўлса, бу суд жараёнига адолатсиз аралашув деган фикрларни вужудга келтиради.

Судьяларни тайинлаш ваколатига эга бўлган Бosh судья судьяларни тайинлаш ёки суд муҳокамасига аралашиш хукуқига эга эмас, шунингдек юқори судлар қўйи судларга суд маъмуриятининг кўрсатмаси ва назоратидан ташқари бирор-бир алоҳида ишда аралаша олмайди.

Суднинг функционал мустақиллиги Президентнинг фавқулодда ҳарбий ҳолат ва амнистия эълон қилиш хукуқи билан чекланиши мумкин.



**Джон Мак Грегор, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги элчиси, Миссия раҳбари:**

– Мен бугунги ҳалқаро конференциядаги чиқишимдан фойдаланиб, алоҳида таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан инсоннинг қонуний хукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида жуда кўплаб ишлар

амалга оширилмоқда. Бунда суд-хуқук ислоҳотлари устувор аҳамият касб этади.

Суд органларининг мустақиллиги малакали судьялар билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун, суд-хуқук соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Суд корпусини назарий билимлар, касбий кўнікмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгashi хузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Айни пайтда мазкур Олий мактабда 4 та йўналишда судьяликка номзодлар бир йиллик магистрлик курсларида замонавий усулларда таҳсил олмоқда. Судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакаси оширилмоқда, раҳбарлик лавозимига номзодлар қайта тайёрланмоқда. Биз ушбу тълим муассасаси билан ҳамиша ҳамкорликда ишлаймиз. Мен бу тълим муассасасининг очилишида ҳам иштирок этганман.

Бугунги халқаро конференция дастуридан ўрин олган мавзулар жуда муҳим. Маъруза қилаётган мутахассислар илгор хорижий тажрибаларни айтиб ўтмоқда. Ишонаманки, тадбир амалий аҳамият касб этади.



**Бахтиёр МИРАЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси:**

– Кейинги уч йил давомида мамлакатимизда Конституциявий суд ишларини юритишда Конституциявий суднинг, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Булар “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси”да ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108 ва 109-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда, шунингдек 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонунда ўз



ифодасини топди. Бу ҳужжатларга мувофиқ Конституциявий судга унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳамда роли ва аҳамиятини оширишга, фуқаронинг конституциявий ҳуқук ва эркинликлари ҳимоясини янада кучатиришга қаратилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”нинг 10-бандида белгилаб кўйилганидек, судья лавозимига тавсия этиладиган шахслар юқори даражадаги одоб-аҳлоқ сифатларига ва қобилиятга, шунингдек сиёsat ва ҳуқук соҳасида тегишли малакага эга бўлишлари ва тегишли тайёрловни ўтишлари лозим.

Шунинг учун ҳам Конституциявий судни шакллантириш тартибини янада демократлаштириш, шунингдек судьяларнинг мустақиллигини тъминлаш мақсадида қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Конституциямизнинг 108-моддасига ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан мамлакат парламенти, яъни Олий Мажлиси юқори палатаси бўлган Сенат томонидан Судьялар олий кенгashi тавсия этидан сиёsat ва ҳуқук соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

**Анжуман якунида суд-хуқук тизими ҳамда суд органларининг чинакам мустақиллигини тъминлаш кафолатлари бўйича қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**

# МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ: «АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНЫХ ОРГАНОВ»

**26 ноября 2019 года в гостинице “Radisson” проведена международная конференция на тему: «Актуальные вопросы обеспечения независимости судебных органов», посвященная тридцати пятилетию принятия Основных принципов независимости судебных органов, одобренных резолюцией Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций.**

Организаторами данного мероприятия выступили Высший судейский совет Республики Узбекистан, Высшая школа судей, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека и филиал Международной неправительственной организации «Региональный диалог» в Узбекистане.

Основной целью проведения данного мероприятия явилось обсуждение основополагающих стандартов и норм международного права, касающихся судебных органов, обмен опыта с представителями широкой международной общественности и сравнения практики зарубежных стран по вопросам независимости судебных органов.

В работе конференции приняли участие эксперты из США, Словении, Франции, Хорватии, Казахстана, Южной Кореи, судьи Конституционного и Верховного судов, представители Сената, Законодательной палаты Олий Мажлиса, министерств и ведомств, СМИ и других организаций.

В ходе конференции были обсуждены актуальные вопросы, касающиеся независимости судебных органов, правовые, социальные и организационные аспекты независимости судов и судей.

Выступившие с докладами участники мероприятия высказали мнения и предложения по совершенствованию и оптимизации судебной системы страны с учетом современных требований и международных стандартов в области правосудия.

Выступая на мероприятии временно поверенный в делах посольства США в Узбекистане Аллан Мельтцер, высоко оценил судебно-правовые реформы, проводимые в Узбекистане по инициативе Президента страны Ш.Мирзиёева, по обеспечению законных прав и свобод человека.

По итогам конференции выработаны предложения по дальнейшему совершенствованию законодательства в судебно-правовой сфере и усилению гарантий независимости судебной власти.



**Ақылтай КАСЫМОВ, Председатель Судебного жюри при Высшем Судебном Совете Республики Казахстан:**

– Независимость судов и судей является одним из фундаментальных основ современного правового государства. Данный постулат заложен в важнейших международно-правовых документах.

Соответствующие принципы о независимости и неподотчетности судьи при отправлении правосудия, а также о невмешательстве в деятельность суда в национальном законодательстве Казахстана закреплены в Конституции и Конституционном законе «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан».

В свете этих требований сегодня важнейшее значение имеет то, каким образом будут обеспечены гарантии независимости судей, в том числе при решении вопросов об их дисциплинарной ответственности. При этом дисциплинарные меры и процедуры не должны быть инструментом влияния или какого-либо давления на судью при отправлении им правосудия.

Для этого необходимы, в первую очередь, надежные механизмы не только защиты независимости судьи, но и недопущения возможных

случаев злоупотребления независимостью со стороны самих судей.

Согласно международным стандартам дисциплинарная ответственность судей должна рассматриваться независимыми органами со сбалансированным составом, включающим не только судей, но и представителей несудейских профессий. При этом соблюдение принципа независимости судей напрямую зависит от того, как образуются эти органы, и кто войдет в состав дисциплинарного органа.

С учетом международной практики в начале текущего года в Казахстане были приняты меры по модернизации работы дисциплинарного органа – Судебного жюри, которое ранее находилось в составе Верховного Суда.

После внесения соответствующих изменений в законодательство с апреля этого года Судебное жюри было отделено от судебной системы и передано в Высший Судебный Совет.

Высший Судебный Совет Казахстана является автономным государственным учреждением, созданным в целях обеспечения конституционных полномочий Президента Казахстана по формированию судов, гарантий независимости судей и их неприкосновенности.

Здесь следует отметить, что Судебное жюри в состав Высшего Судебного Совета прямо не входит, а образовано при Совете, как самостоятельный независимый институт.



#### **Домагой Франьо ФРНТИЧ, Главный судья суда по трудовым делам города Загреб:**

В рамках Конференции, охватывающей тему актуальных вопросов обеспечения независимости судебной власти, в данном сегменте будет рассмотрена тема политической и финансовой независимости судов и судей в Республике Хорватия, включая краткое введение, институциональные рамки хорватской судебной системы.

Конституция Республики Хорватия основана на принципе разделения властей на законодательную, исполнительную и судебную ветви. Су-

дебная власть осуществляется судами, является независимой и автономной. Суды осуществляют правосудие в соответствии с Конституцией и законом, а также международными соглашениями и договорами, которые являются неотъемлемой частью правовой системы Республики Хорватия, которая также является членом Европейского союза.

В Республике Хорватия отправление правосудия осуществляется судами по делам о проступках, муниципальными судами, окружными судами, коммерческими судами, административными судами, Высшим судом по делам о проступках Республики Хорватия, Высшим экономическим судом Республики Хорватия, Высоким Административным судом Республики Хорватия и Верховным судом Республики Хорватия.

Закон о судебной власти регулирует организацию, компетенцию и юрисдикцию судов, если иное не предусмотрено законом, внутреннюю структуру и управление, судебное управление и полномочия председателей судов, обязанности административных директоров судов, защиту права на судебное разбирательство в разумных пределах, время, надзор за судебной администрацией и судебной инспекцией, права и обязанности судей, задачи генерального секретаря, полномочия советников суда, безопасность лиц, имущества и помещений суда, назначение народных заседателей, условия и порядок назначения постоянных судебных переводчиков, экспертов и оценщиков, а также средств для деятельности судов.

Суды должны защищать закон и порядок в Республике Хорватия в соответствии с Конституцией, международными соглашениями и законами, чтобы обеспечить единообразное применение закона и равное правосудие в соответствии с законом. Суды выносят решения по делам, касающимся основных прав и обязанностей граждан, прав и обязанностей Республики Хорватия и органов местного и регионального самоуправления, а также прав и обязанностей других юридических лиц.

Суды принимают решения о наказаниях и других правовых мерах для правонарушителей, ответственных за уголовные преступления и правонарушений, в соответствии с законом и другими нормативными актами. В то же время суды определяют законность отдельных и общих актов органов публичного управления и решают гражданско-правовые дела, возникающие в результате различных трудовых, коммерческих, имущественных или иных споров, а также другие правовые вопросы в соответствии с законом (статья 3 Закона "О судебной власти").

# Of the international conference on the topic: “ACTUAL ISSUES OF ENSURING THE INDEPENDENCE OF THE JUDICIARY”

*On November 26th, 2019, the Radisson Hotel hosted an international conference on the topic: “Actual issues of ensuring the independence of the judiciary”, dedicated to the thirty-fifth anniversary of the adoption of the Basic Principles of the Independence of the Judiciary, approved by the resolution of the United Nations General Assembly.*

The following event was organized by the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan, the Supreme School of Judges, the National Center of the Republic of Uzbekistan for Human Rights and the branch of the “Regional Dialogue” in Uzbekistan.

The main purpose of this event was to discuss the fundamental standards and norms of international law relating to the judiciary, exchange experience with representatives of the wide international community and compare the practice of foreign countries on the independence of the judiciary.

The conference was attended by experts from the United States, Slovenia, France, Croatia, Kazakhstan, South Korea, judges of the Constitutional and Supreme Courts, representatives of the Senate, the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, ministries and departments, the media and other organizations.

**Mjusa Sever, co-founder and director at Regional Dialogue:**



The overall topic of today's event is no doubt very important for any country because independence of judiciary is one of the cornerstones of every modern state. As we exam mechanisms, creative ideas of distinguished participants, and international experiences through optics of different factors of assuring independence – like judicial selection and the length of their tenure, immunity, judicial discretion and all other guarantees - we do understand that with properly managed and sincere policy commitment most of them are also applicable to the declared rule of law reforms in Uzbekistan.

Yet independence of the judiciary is not an end in itself. Of course, first of all, it serves a judge to be free of any improper interferences, personal or political influences when deciding a case. But why exactly do we need independent and impartial judges?

The important social implication is that the independence of the judiciary essentially serves all of us as citizens. It protects and ensures the right to a fair trial for each and every one of us. That is why the independence of the judiciary is not important only in the rule of law area. It is important to all of us as citizens because it protects our basic human rights and freedoms. Judge's independence is one of the most important conditions for the judiciary to function properly.

Therefore an impartial judge is just as important for democracy as free and fair elections.

Another pillar for the credibility of the judicial system is public trust. This does not mean that the judiciary should resolve disputes in a pleasing way to the crowds or to those dominating various political currents - no matter how “high-profile” the case is. The decision of a judge always leaves at least one of the parties involved in the proceedings with the feeling of injustice. It is in the very heart and nature of deciding on “who is wrong and who

is right". We do not expect from the judiciary to be likable or to please the crowds – but we do expect from the judiciary to be fair and impartial.

How do we, as ordinary citizens, build our trust in judiciary? Some of these preconditions can be dealt with on the legislative level, while others are almost entirely in the hands of the judiciary.

I want to mention those most crucial to ordinary citizens:

- effectiveness in terms of being capable of delivering a decision in a timely manner;
  - transparency of the decision-making process in terms of public access to court records,
  - public participation in court proceedings and public and transparent processes of judicial appointments;
  - the persuasiveness of the judicial decisions and argumentation that leaves little to no room to the average common-sense person to reach any different conclusion;
  - accountability in terms of taking responsibility for its performance and implementation.

Domagoj Frntic, Judge, Zagreb, Croatia:

— The Constitution of the Republic of Croatia is based on the principle of separation of powers into legislative, executive and judicial branches. Judicial power is exercised by the courts, and judiciary is autonomous and independent. The courts administer justice according to the Constitution and the law, as well as the international agreements and treaties, which make an integral part of the legal system of the Republic of Croatia, which is also a member of the European Union.


In the Republic of Croatia the administration of justice is carried out by misdemeanour courts, municipal courts, county courts, commercial courts, administrative courts, the High

Misdemeanour Court of the Republic of Croatia, the High Commercial Court of the Republic of Croatia, the High Administrative Court of the Republic of Croatia and the Supreme Court of the Republic of Croatia.

The Judiciary Act regulates the organization, competence and jurisdiction of courts if not otherwise regulated by law, internal structure and governance, judicial administration and competences of presidents of courts, duties of administrative directors of the courts, protection of the right to trial within a reasonable time, monitoring of the judicial administration and the judicial inspectorate, rights and obligations of judges, tasks of the secretary general, competences of advisers of the court, security of persons, property and court facilities, nomination of lay judges, conditions and procedure for the nomination of permanent court interpreters, experts and estimators as well as funds for the operation of the courts.

The courts are to protect law and order of the Republic of Croatia as regulated by the Constitution, international agreements and laws in order to secure uniform application of law and equal justice under law. The courts rule in cases concerning the basic rights and obligations of citizens, rights and obligations of the Republic of Croatia and units of local and regional self-government as well as rights and obligations of other legal entities.

The courts decide on penalties and other legal measures for offenders responsible for criminal offences and misdemeanors pursuant to the law and other regulations. At the same time, the courts determine legality of individual and general acts of the public administration bodies and decide civil law cases resulting from various labour, commercial, property or other disputes as well as other legal matters in conformity with the law (Article 3 of the Judiciary Act).





**Chief Judge John TUNHEIM, Judicial Independence in the United States:**

— The independence of the judiciary from the executive branch is especially important because the judiciary's role is different. Although a court must at times agree with the executive and impose appropriate sanctions to protect the state and its people from continuing harm, a court must also ensure that accused individuals are fully protected from arbitrary and unlawful state action and that their human rights are fully protected. A weak and dependent judiciary cannot be expected to fully protect the rights accorded to the accused.

Judicial independence refers to both structural independence and decisional independence. Structural independence describes the independent manner in which the judiciary is organized, governed and funded, the process by which judges are appointed and removed, the length of tenure of judges, case assignments, and the absence of executive and legislative interference with the judicial role.

Decisional independence is the process by which judges make decisions as neutral arbiters. Judges must make decisions based solely on the applicable law and resist outside pressure or other improper influences. With independence comes responsibility – accountability to the law and to codes of ethics which require transparency and adherence to rules that help guarantee impartiality and the rule of law.

A judicial code of conduct or ethics or a law affecting judicial conduct is important to provide (1) guidance to judges as to proper behavior and (2) clear standards that govern when judges are to be disciplined for improper conduct. Important to development of a code of ethics are (1) a transparent process by which judges are guided in their interpretation of the code and (2) a fair process by which complaints against judicial conduct are reviewed. Proper development and implementation of a code of ethics will build respect for the judiciary and help the public to understand the important role judges perform in a democratic society.

High profile trials place special demands on judicial independence due to the public's strong interest in these types of cases. Judges are often the target of persecution including public criticism and threats aimed at intimidation. Often, there are security concerns. Structural independence for a judiciary within a country's legal system together with a well-understood and applied code of ethics is the best protection so that judges can assure a fair process for defendants and resist threats and intimidation.

As a result of the conference, proposals were developed to further improve the judicial system and ensure genuine independence of the judiciary.



Шемалула МАМАНОВ

## ҲАМКАСБЛАР ИЖОДИДАН

### БАХТНОМА

Ўзбекистон Конституциясига  
бағишлилар.

Амир Темур бобомнинг юрак нидоси,  
Асрй орзулар баёнидир маъноси,  
Мустақиллик тонгининг янгроқ садоси,  
Жаҳондаги дастурлар ичра аълоси,  
Қонунлар шоҳномаси, баҳтномам менинг,  
Она юрту халқимга аҳдномам менинг.

Бобинг сатри бошланур Ватан сўзидан,  
Мазмунингдир истиқлол гоя изидан,  
Дўстлар олқишин билдик қувноқ юзидан,  
Ғанимларнинг қараши маълум кўзидан,  
Гоялар тантанаси, баҳтномам менинг,  
Она юрту халқимга аҳдномам менинг.

Инсон хукуқларини эъзозлар юзинг,  
Тенг хукуқлидир бугун ҳар ўғил-қизинг,  
Қанчалар мазмунга бой сенинг ҳар сўзинг,  
Мехрибонсан, одилу магурсан ўзинг,  
Хукуқлар мајмуаси, баҳтномам менинг,  
Она юрту халқимга аҳдномам менинг.

Миллат улугларидан шод қўнгиллари,  
Сени тасдиқ этишиб халқ вакиллари,  
Мустақил хур Ватаннинг қиз-ўғиллари,  
Ҳар бирин гурур тўла хушнуд диллари,  
Ажододларим армони, баҳтномам менинг,  
Она юрту халқимга аҳдномам менинг.

Борурмиз келажакка, қалбда ифтихор,  
Кўлни қўлга беришиб халқим ижодкор,  
Юртимга Яратганинг ўзи мададкор,  
Сафнинг лойиқ ўрнида Исматинг ҳам бор,  
Келажак пойдевори, баҳтномам менинг,  
Она юрту халқимга аҳдномам менинг.

Комиби СИДАРОВ

### АСОСИЙ ҚОНУНИМ

Ҳуррият биносин тамали тоши,  
Истиқлол карвонин сарбони, боши,  
Озодлик осмонин сўнмас қуёши,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Ҳаётим, қувончим, номусим менинг.

Сатрида боболар қайноқ қони шони жо,  
Қатида момоларим шараф шаъни жо,  
Байтида бир дунё мазмун маъни жо,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Қанотим, суюнчим, номусим менинг.

Юртим кўксидаги қалқоним ўзинг,  
Кўкда порлаб турган чўлтоним ўзинг,  
Эзгулик гуллаган бўстоним ўзинг,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Роҳатим, севинчим, номусим менинг.

Адолат зиёси таралар сендан,  
Саодат қўргони яралар сендан,  
Элга најсот бўлмиш чоралар сендан,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Шавкатим, шуҳратим, номусим менинг.

Элнинг суюнчиги, шуҳрат, шони сен,  
Кўқон, Шош, Хоразм, Зарафшони сен,  
Бир буюк миллатнинг жисму жони сен,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Нажотим, ишончим, номусим менинг.

Умид гулишанинг сайроқ қуши сен,  
Тафаккур сеҳрининг ноёб иши сен,  
Неча авлодларнинг армон, туши сен,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Муродим, илинжим, номусим менинг.

Тинчлик бешигини асрорчи тумор,  
Адолат шаҳрида энг юксак минор,  
Ҳақиқат bogida бўй чўзган чинор,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Саботим, согинчим, номусим менинг.

Оқсоқ чўққиларга ўйилган битик,  
Авесто, Хидоя, Ҳадисдек буюк,  
Ўзбегим эришган энг олий ютуқ,  
Асосий Қонуним, қомусим менинг,  
Баётим, овунчим, номусим менинг.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарлар профилактикаси кафедраси бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор.

# СУД ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиши ва ривожлантириш ҳамда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни суд ҳокимиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.**

Ўзбекистонда “Суд ҳокимияти – Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида инсон ва фуқаролар, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуққа доир низоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари тизими” сифатида:

**биринчидан**, давлат ҳокимиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади;

**иккинчидан**, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва низоларни ҳал этишининг энг олий инстанцияси сифатида адолат тимсолини ифодалайди. Бинонабарин, фақат мустақил суд ҳокимияти ҳар бир фуқаронинг одил судда ишни ошкора кўриши орқали ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати бўлиб хизмат қиласди;

**учинчидан**, суд ҳокимияти қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Ҳусусан, Конституциямизга кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва Олий суди қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга;

**тўртинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида адолатли қарорлар чиқариш орқали уларда сиёсий-ҳуқуқий идеализмни қарор топтириши ҳамда бугунги кундан рози бўлишлари ва эртаниги кунга ишонч ҳосил қилишларида мухим ўрин тулади.

Судлар, суд тизими, суд ҳокимияти, одил судлов, суд мустақиллиги каби масалалар юзасидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазалар асрлар давомида сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, социологлар, файласуфлар ва бoshqa kўplab соҳа олимлари ҳамда

мутахассисларининг мушоҳада майдонида бўлиб келган. Бугунги кунда ҳар бир мамлакатга демократия мезонлари асосида баҳо берилар экан, албатта, ушбу давлатнинг суд ҳокимияти ҳам асосий диққат марказида бўлади. Шу ўринда қадимги мутафаккирларнинг одил суднинг аҳамияти ҳақидаги “Майли дунё барбод бўлсин, лекин (адолат) одил судлов қарор топсин”, - (“Pereat mundus et fiat justicia”) деган ажойиб бир иборасини кеттириб ўтиш жоиз.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Нега дегандан давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи ва конституциявий ҳуқуқнинг асосий субъектларидан бири бўлган судларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари Конституциянинг тегишли нормалари ва бoshqa қонунларда акс этиши керак эди. Бу эса ҳокимият тамоқлари ўртасидаги конституциявий мувозанатни таъминлаш ҳамда одил судловни кафолатлашга хизмат қиласди.

Асосий қонуннинг XXII боби Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига багишинган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилди (106-модда). Шунингдек, Конституциянинг мазкур бобида суд тизими, судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, Конституциявий суд ва унинг ваколатлари, Олий суд, Судьялар олий кенгashi ва судьяларнинг мақоми, судларда ишлар-

нинг очиқ кўрилиши, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги, суд ишларини юритиш тили ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши кафолатлари ҳам белгилаб қўйилди.

Ватанимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлининг чукур таҳлили, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, шиддатли ва кескин глобаллашув шароитида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун янгида ёндашувларни ишлаб чиқиш ва рёёбга чиқариш зарурати суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ахолининг одил судловга бўлган ишончини янада оширишга қаратилган мутлақо янги босқичга кўтариш каби вазифаларни кун тартибига қўйди.

Тан олиш керакки, ўтган йилларда судлар фаолиятига салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар ҳам вужудга келган эди. Бу ҳолат ўз навбатида судлар фаолиятида ҳам номуносиб из қолдирмасдан қўймади. Хусусан, судларда оқлов ҳукми чиқариш амалиётининг камайганлиги бунинг яққол далилидир.

Бундан ташқари, суд ишларини юритиш жараёнининг мураккаблашуви, ортиқча инстанцияларнинг вужудга келганлиги, низоларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш мақсадида судларнинг янада ихтисослашувини талаб қилувчи омилларнинг мавжудлиги каби мисолларни келтириш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев судлар фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир оғриқли масала – судлардаги сарсонгарчиликлар ҳақида алоҳида тўхталиб “Фуқаролар адолатни қарор топтириш умидида ойлаб, йиллаб сарсон-саргардан бўлиб, Президентга мурожаат қилмоқда. Шунинг ўзи судлар фаолиятига халқ томонидан берилётган холосона баҳо эмасми?! Бундай ҳолатларга қатъий чек қўйиш вақти келди!”, - деб таъкидлаган эди.

Кейинги йилларда юртимизда суд ҳокимияти ва тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ислоҳотлар марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи 2017 йил 6 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, 2019 йилнинг 31 май куни имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)”ги Қонунларнинг қабул қилиниши туради.



Мамлакатимизда бошланган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасидаги янги давр қўйидаги ўзгаришларда ўз аксини топди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиши бўйича олий малака комиссияси тугатилиб Судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди;

адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментига ўтказилди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва худудий ҳарбий судлари оптималлаштирилди;

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди ҳамда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишига ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди;

амалдаги суд мажлиси котиби лавозими тугатилиб, белгиланган умумий штат бирлиги доирасида судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимлари киритилди;

терговнинг тўлиқ эмаслигини суд мухокамаси жараёнида тўлдириши механизmlарини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинди;

фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиши муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилди;

вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиши институти тугатилиб, тегиши сууда раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириши бўйича ваколатлари бекор қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиши бўйича бир-бирини тақрорловчи ваколатлари бекор қилинди;

судья лавозимида бўлишининг биринчи маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик, муддатсиз даври белгиланди;

судлар янада ихтисослаштирилди, шу жумладан илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиши ўйли билан оммавий-хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди;

бир-бирини тақрорловчи ваколат ва инстанциялар қисқартирилди, шунингдек барча суд инстанцияларида тарафларнинг тортишуви принципини таъминлаш орқали жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиши тартиби тақомиллаштирилди.

Судларнинг одил судловни таъминлаш фаолиятини янада тақомиллаштиришда уларни ҳалқ билан яқинлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис судлар томонидан маҳаллаларда аҳоли билан очик мулоқотларни тизимли равишда ташкил қилиш, сайёр суд мажлислари ўтказиш кўламини кенгайтириш борасида тизимили ишлар олиб борилмоқда. Бу эса, жамиятда ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг судларга бўлган ишончини ошириш, судларнинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш билан бирга, жиноятчилик ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролик низоларини кескин камайтириш ҳамда аҳолида, айниқса, тарбияси оғир бўлган фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотишга катта ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, судларнинг матбуот органлари ва ахборот хизматлари фаолияти ҳам тубдан тақомиллаштирилди. Судлар фаолиятига оид маълумотларни тақдим этиш, воқеа, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан суд ҳокимиятининг муносабатини билдириш каби масалалар тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг сайти ([www.olysud.uz](http://www.olysud.uz), [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz), [www.sud.uz](http://www.sud.uz)), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг сайти (<http://www.ksu.uz>) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг сайти (<http://www.sudyalaroliykengashi.uz>) судлар фаолиятига оид энг сўнгги ахборотларни ўз вақтида тақдим этиб бормоқда.

Суд-хукуқ соҳасидаги қонунчилик, олиб борилаётган ислоҳотлар, Олий суд Пленуми ва Раёсати қарорлари, суд қарорлари, соҳага оид ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар, судлар фаолияти, хукуқшунос олимларнинг илмий қарашлари, хориж тажрибаси кабиларни ёритиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди қошида “Одил судлов” (“Правосудие”) журнали, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби муассислигига “Одиллик мезони” илмий-амалий, хукуқий журнални чоп этилмоқда. Шунингдек, Олий суд ва Конституциявий



суд ҳужжатлари “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси”да чоп этилмоқда.

Суд ҳокимиятининг нуфузи ва обрўси ҳамда фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Шу боис мамлакатимизда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi хузуридаги Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш нинг ягона тизимини вужудга келтириди.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб судьялик лавозимларига фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланадиган бўлди.

Суд ҳокимияти билан боғлиқ ислоҳотлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг конституциявий-хуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Хусусан, 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига ўзgartишлар ва кўшимча киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)”ги қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг хуқуқий мақомида қуидаги ўзгаришлар юз берди:

**биринчидан**, Конституциянинг 108 ва 109-моддаларида Конституциявий судининг хуқуқий мақоми ва ваколатлари янада аниқлаштирилди. Бунга қадар 108-модда Конституциявий судининг ваколатларига оид “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради” деган норма билан бошланиб, кейин эса Конституциявий судининг хуқуқий мақомига оид нормалар белгиланган эди ва 109-моддада яна Конституциявий судининг ваколатлари санаб ўтилган эди.

Эндиликда эса Конституциявий судининг хуқуқий мақоми ва ваколатларига оид нормалар ажратилди: 108-моддада Конституциявий судининг хуқуқий мақомига оид, 109-моддада Конституциявий судининг ваколатларига оид нормалар белгиланди;



**иккинчидан**, Конституциявий суд раиси ва аъзоларининг хуқуқий мақомига оид “Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар”, “Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас”, “Конституциявий суд судьялари дахлсизлик хуқуқидан фойдаланадилар” ва “Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар” деган такрорий нормалар чиқариб ташланди. Ваҳоланки, бундай нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 4, 66 ва 70-моддаларида ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 19-моддасида белгилаб қўйилган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 24-моддасида норматив-хуқуқий ҳужжатда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг хуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмаслиги назарда тутилган;

**учинчидан**, Конституциявий судни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳам иштироки белгилаб қўйилди. Илгари Конституциявий суд аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланган бўлса, эндиликда эса Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгashi тавсия этган мутахассислар орасидан сайланадиган бўлди;

**тўртинчидан**, Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган консти-

туциявий назорат предмети янада кенгайтирилди. Эндиликда Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳам Конституцияга мувофиқлигини аниқлайдиган бўлди;

**бешинчидан**, Конституциявий суднинг қўйидаги янги ваколатлари белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташабуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Асосий қонунимизга Конституциявий суднинг ҳукуқий мақоми ва ваколатларига оид киритилган ушбу норма Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини оширишга кўмаклашади. Энг асосиysi, янги нормалар фуқароларнинг ҳукуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим ўрин тутади.

Хулоса ўрнида инсон ва фуқаролар, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бир сўз билан айтганда адолатни қарор топтиришда суд ҳокимияти-

нинг ролини янада ошириш учун қўйидаги лар таклиф этилади:

**биринчидан**, суд ишларини кўриб чиқиши янада соддалаштириш ва фуқароларнинг ортиқча вақт сарфлаши ва оворагарчиликларининг олдини олиш, суд ишларини юритишдаги бюрократик элементларни бартараф этишда электрон суд тизимини босқичма-босқич кенгайтириб бориш;

**иккинчидан**, судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида суд мажлисларини жонли тарзда эфирга бериш амалиётини босқичма-босқич кўпайтириш;

**учинчидан**, айrim суд ҳужжатларига ҳам норматив-хукуқий ҳужжат мақомини бериш. Масалан, Конституцивий суд айrim норматив-хукуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонун нормаларига расмий шарҳ бериш юзасидан қабул қилган ҳужжатлари мантиқан норматив-хукуқий ҳужжатлари бўлиши керак;

**тўртинчидан**, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси суд тизимида кирувчи судлардан фақат Олий суд ва Конституциявий суднинг веб-сайтлари мавжуд. Фикримизча, жисмоний ва юридик шахсларни суд тизимида кирувчи барча судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш, уларнинг суд ҳокимияти фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳукуқини тўлиқ кафолатлаш, суд органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш, суд ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни янада кенг тарқатиш мақсадида суд тизимида кирувчи барча судларнинг веб-сайтларини жорий этиш ва уларни ўзаро интеграциялаш мақсадга муҳим;

Юртимизда суд ҳокимияти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз мазмунига кўра тарихий характерга эга бўлиб, судларнинг нуфузини ошириш, одил судлов самарадорлигини ортириш, фуқароларга чинакам мустақил суд томонидан уларни қаноатлантира оладиган қарорларни чиқара оладиган иродаси мустаҳкам, мустақил, юксак маънавиятли суд корпусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Батафсил қаранг: Хакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳукуқий механизmlарини такомиллаштириш. Юрид. фанлар. док. ... дис. – Т., 2018 – Б. 17.

2. Сайдов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. Т. 2018. – Б. 437.



# СУЛТОНГА ДАРС БЕРГАН ХИЗМАТКОР

*Аёз исмли бир құл тақдир бўлиб, Султон Маҳмуднинг хизматкори бўлибди. Султон қулининг одоб-ахлоқини қўриб, уни яхши қўриб қолибди. Шунчалик ишончи-ни қозонибдики, бутун салтанатнинг хазинабони этиб тайинланиб, саройнинг барча хазина-бойликлари унга топшириладиган бўлибди. Бу ҳолатни қўрган саройдагиларнинг баъзилари бунга ҳасад қилишиибди.*

Ҳасад ва кибрлари туфайли “шундай оддий бир қулга бунчалик катта мавқеъ берилиши”ни ва ўзларининг шу дара-жада ҳам обрўлари йўқлигини ўзларига сингдира олмабдилар. Ҳолат шундай давом этгач, Султонга ҳар куни, ҳар хил баҳона билан Аёздан шикоят қила бошлишиибди. Унинг обрўйини тушириши учун қўлларидан келган ҳамма йўлни си-наб қўришиибди.

Кунларнинг бирида Султоннинг ҳузурида бир сарой аъёни иккинчисига: “Қул Аёз хазинага тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди, биласанми? Менимча у гавҳарла-римизни ўғирлаб юрибди. Бунга амин-ман”, дебди.

Буни эшигтан Султон қулоқларига ишонмай “Ҳақиқатдан ҳам шундайми-кин, шундай бўлса ўз қўзим билан кўрай-ин” деб, хазина хонаси деворига кички-нагина тешикча тешидирибди. Шундай қилиб, ичкарида бўлаётган нарсаларни томоша қилишини бошлибди.

Кеч тушиибди, қул секин сарой хази-насига бориб, эшикни ҳам билдирамасдан ёпиб ичкарига кирибди. Султон қулининг сандиқ олдига яқинлашганини қўри-ди. У ерда яшириб қўйгани кичкинагина бир тугун экан. Тугунни ётиб, пешона-сига суртиб уни очибди. Ичидан қуллик пайти кийган эски-туски кийими чиқиб-



ди. Уни кийиб ойнанинг олдига ўтибди. Ўзига ўзи: “Авваллари шу кийимни кийиб юрганингда ким эканлигинги эслайсанми?” – деб сўрабди. – Ҳеч ким... Бор йўғи сотиладиган қул эдинг, холос. Аллоҳ сенга Султоннинг қўли билан, лойиқ бўлмасанг ҳам йўз раҳматидан шундай неъматларини лутф қилди. Асло қаердан келганингни унумтма! Чунки мол-мулк инсоннинг ақлини олади, унумтишга мажбурлайди. Шундай экан, сен ҳам сендан камроқ неъматга эга бўлганларга паст назар билан қараб, кибланма! Буни асло унумтма, эй Аёз! – деб сандиқни ётиб, қулфлабди ва секингина эшикдан чиқибди. Хазинадан чиқар-чиқмас, Султон билан юзма-юз келибди. Шунда Султон Аёзга қараб туриб, кўзидан дона-дона ёш оқа бошлибди. Султон гапиришига ҳам қийналиб, томоги ҳам тиқилиб қолибди ва ўзини мажбурлаб бўлса ҳам қулига шундай дебди:

— Бугунга қадар бойликларимнинг хазинабони эдинг. Энди... Қалбимизнинг ҳам хазинабонига айландинг. Менга, ҳақиқий Султоним олдида ҳеч ким эканлигимни ва унга қандай муносабатда бўлишим кераклигини ўргатдинг...

**Манба: Жалолиддин РУМИЙ,  
“Маснавий”дан.**



**Акмал ЮЛДАШЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Шайхонтоҳур туман  
суди судъяси.

# ҲУҚУҚИЙ ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

*Конституциянинг асосий моҳияти инсонни улуглашга қаратилғанлиги билан яқзол кўзга ташланади. Конституциямизнинг 2-моддасидаёқ «давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдиrlар ва ҳисоб берадилар» деб белгиланганлигининг ўзи, Конституция кимга хизмат қилишини белгилаб беради.*

Давлат яхлитлигича ҳам, ўзининг органлари тимсолида ҳам, мансабдор шахслари орқали ҳам ўзининг мавжудлигини таъминлашда давлат ҳокимиётчилигининг бирдан-бир манбай бўлган халқ, яъни ўз фуқаролари олдида мажбурияти борлигини англатади. Буни давлат ҳаракатда бўлиши учун инсонлар бўлиши, бу инсонлар маълум ҳуқуқларга эга бўлиши, инсонлар хоҳлаган пайтда ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда давлатга суюниши мумкин, деб тушуниш керак. Ўтмишдаги барча олим ва назариётчиларнинг фикрича, барча нарсанинг яратувчиси бу инсондир. Инсон эркин ва озод яшаши учун ҳам қонунлар унга кўмак беради. Демак, қонунлар инсоннинг таянчи, унинг кафолатидир.

Фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминланаб, кафолатланади. Уни амалда тегишли органлари орқали таъминлади, ҳуқуқ ва эркинликлар бузилганда уни тикилаш чораларини кўради. Айниқса, шахснинг дахлсизлиги ва айбисизлик презумпциясининг Асосий Қонунда белгиланиши Конституциянинг инсонпарварлигини кўрсатади. Бу норманинг ўрнатилиши миллий қонунчилигимизда олдиндан кўйилган ижобий қадамdir.

Жамиятнинг етакчи кучи саналадиган инсон жамиятнинг ривожланишида ва унинг таркиб топишида энг асосий ўринни эгаллади. Инсон дунёга келишидан умрининг охиригача меҳнат қиласи яшаш учун интилади. Жамиятта ўзининг борлигини доим сездириб туради. Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рухсат этилган, ман этилган ёки унинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исм кўйиш, ота-онасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат қилинса, унга исм танлаш эса ота-онасининг шахсий ҳуқуқи ҳисбланади. Демак, инсон туғилишидан бошлаб

ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга бўла бошлайди, маълум ёшдан бошлаб ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни хис эта бошлайди. Бу эса давлатимиз Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган.

Конституциянинг асосий принциплари, яъни раҳбарий фоялари мавжуд. Давлат суверенитети, халқ ҳокимиётчилиги, инсон-олий қадрият ва давлат сиёсатининг асосий мақсади, демократизм, давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги, қонунийлик, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ҳокимиётлар бўлиниши, Ўзбекистон Республикаси томонидан фаол ташқи сиёсатининг амалга оширилиши, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш принципи ва бошқа принциплар борки, буларнинг ҳаммаси Конституциямизнинг бош, раҳбарий фоялари ҳисбланади. Бошқа қабул қилинаётган ҳар қандай қонунлар ана шу принципларга бўйсунган ҳолда қабул қилинади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда маълум тизимда, алоҳида боб ва моддаларда мустақил нормаларда акс эттириш орқали кафолатлаб қўйилган. Яъни, инсонга тегишли бўлган, халқаро стандартлар даражасидаги унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Давлат бошқаруви ташкил этилаётган ва амалга оширилаётганда аввало инсон ҳуқуқларига нисбатан бўлган тамойил ва қарашлардан келиб чиқиб бошқарувни амалга оширади. Инсон билан давлат ўртасидаги ҳамкорлик, қонунларда белгиланган муносабатларни ўрнатиб бориш, давлатнинг қатор вазифаларини ижтимоий тузилмаларга ўтказиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига мумкин қадар эҳтиёткор муомалада бўлиш, инсонга олий қадрият сифатида қараш, инсоннинг бузилган ҳуқуқларини ўзи вақтида мавжуд воситалар орқали тиклаб бориш асосий вазифалардан бўлиб қолаверади.

Конституция, қолаверса, республикамиз аъзо бўлган инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда асосий принциплар сифатида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари меъёрлари кейинги пайтларда қабул қилинаётган инсон ҳуқуқларига даҳлдор бўлган соҳавий қонунларда янада тушунарли қилиб, соддалаштирилган ва кенгайтирилган ҳолда бериб борилмоқда. Давлат томонидан инсоннинг сиёсий қарашлари амалга ошиши учун сиёсий партияларга кириши, давлат бошқарувида қатнашиши учун ўзи ёки сайлаган вакиллари орқали бошқарувда иштирок этиши, мамлакат ҳудудида эркин кўчиб юриши ва бошқалар ҳам давлатнинг фуқаролар олдида мажбуриятини белгилайди.



**"Бинобарин, ўз ҳалқининг хоҳиши-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак мэрралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради".**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Зиор РУСТАМОВ,**  
Денов туманлардо  
иқтисадий суди  
раиси.



**Толиб БАЙЗАКОВ,**  
Жиноят ишлари  
бўйича Самарқанд  
туман суди раиси.

# КОНСТИТУЦИЯ ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

**Бугун бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равиша  
тан олинаётган янги Ўзбекистон тараққиёти ва фаровон-  
лигининг ҳуқуқий кафолатига айланган Асосий Қомусимиз  
қабул қилинганинг 27 йиллигини кенг жамоатчилик  
кўтаринки руҳ ва катта шодиёналар билан нишонлади.**

Мана шу қутлуг байрамга багишлиган тантанали маросимда Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев маъруза қилиб, "Конституция башарият ҳётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайдлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди" деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Инсоният тарихидаги барча жамиятларнинг илгор фикрловчи намоёндалари албатта буни тушуниб етишган ва инсоннинг ҳаёти, тақдири, келажаги ўзгартмас қонунга боғлиқ бўлишини орзу қилишган. Жамиятдаги мана шундай фикрлар, тенденциялар конституцияга бўлган эҳтиёжнинг яқол намоён бўлишига ва унинг (конституциянинг) яратилишига қурдатли туртки бўлиб хизмат қилган.

Ватанимиз тарихида "Амири Туркистон" деб эътибор қозонган — Амир Темур бобомиздан мерос бўлиб қолган "Темур тузуклари" ўз даврининг адолатли, ўзига хос Конституцияси эди. Темур тузукларининг негизида "Куч - адолатдадир" деган фоя ётади ва шу давр учун энг адолатли қонунлардан эди. Жумладан, қадимги дунёда қабул қилинган ва барча фуқароларни риоя этишга мажбур қилган "Рим ҳуқуқи"ни ва Чингизхон томонидан яратилган "Ясо" қонунини санаб ўтишимиз мумкин. Бу қабул қилинган қонунлар парокандалиқда бўлган, ҳалқи муштумэўриклардан, бош-бошдоқлиқдан азоб чекаётган давр учун сув ва ҳаводек зарур эди. Ҳалқ барқарорлик ва мустаҳкам, ягона қонунга бўйсунувчи жамият ҳимоясида эканлигини ички бир сезги билан ҳис қиласи эди. Буларнинг барчаси ушбу мамлакатларда марказлашган, қурдатли, ривожланувчи салтанатбаро тоғлишига олиб келди. Мана шундай салтанатлар сифатида биз қадимги Рим империясини, Чингизхон империясини ва Амир Темур салтанатини мисол қилиб кўрсатишмиз мумкин. Бу давлатларнинг барчасида ҳокимиёт ҳаддан ташқари марказлашган бўлиб, пойтактларидан тортиб то чекка-чекка вилоятларигача ягона қонунга бўйсунган.

Ягона ёки асосий қонунга бўлган эҳтиёж Конституциянинг яратилишига олиб келди. Конституция сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, constitution – тузилма, тузук, жамлаш маъноларини билдиради. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашиб, ҳозирги пайтда дунёда қўлланилаётган энг қадимги Конституция Сан-Маринонинг асосий қонуни бўлиб у 1600 йилда қабул қилинган. Ўз навбатида ушбу асосий қонун 1300 йилда қабул қилинган "Шаҳар Низоми" негизида яратилган. Замонавий маънодаги Конституция биринчи



маротаба Америка Кўшма Штатларининг Делавэр штатида 1787 йилнинг 7 декабрида ратификация қилинган. Европада биринчилардан бўлиб қабул қилинган Конституция Польша қироллигини эди. У 1791 йили, Франция Конституциясидан ярим йил олдин кучга кирган.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги ҳақидаги Олий Кенгаш баёниoti ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлганидан сўнг, барча мустақил давлатлар каби ўз Конституциясига эҳтиёж сезилди.

Ватанимиз Конституцияси 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Асосий Қонунимиз яратилишининг муҳим ва мурakkab жараёнига назар солсак, Ўзбекистон Конституцияси ҳалқимизнинг бир неча минг йиллик давлатчилик тажрибасига таянилганлиги, мустақиллик сари узоқ изланишларимиз натижаси эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Конституциямиз биз учун шундай азизки, уни ор-номусни асрагандай асрамоқ лозим. Чунки айнан Конституцияда Ватанимизнинг давлат суверенитети, ҳалқ ҳокимиятчилиги, қонун устуворлиги акс эттирилган. Конституция миллатимизнинг тилига давлат тили мақомини берib, давлатни ҳалқнинг иродасига бўйсундиради ва ҳалқни ҳокимият манбаи сифатида эътироф этади. Конституциямизда жамиятимиздаги сиёсий ташкилотлар, мағкуралар, фикрларнинг хилма-хиллиги кафолатланади ва у инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини дахлсиз, олий қадрият ҳисоблайди.



# САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАВОБГАРЛИК

**Зиёвуддин ИРСАЛИЕВ,**

Тошкент шаҳар  
Яшнобод тумани  
Маъмурий судининг  
раиси, Судьялар олий  
мактаби тинчловчуси.

**2019 йил 26 июнда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қонуний кучга кириб, Марказий сайлов комиссияси ва фуқароларнинг сайлов ҳукуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунларни қамраб олиб, ягона ҳужжатга бирлаширилди.**

Шуни алоҳида айтиш жоизки, муқаддам фақатгина сайлов ёки референдум ташкил этиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддаси) ва сайлов ҳукуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик ушбу кодекснинг 147-моддаси учун жиноят жавобгарлик белгиланган бўлиб, сайлов ҳукуқи доирасида алоҳида қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш нормалари мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (кейинги ўринларда – МЖтК) га киритилган сайлов ўтказишига доир саккизта моддасининг ҳар бирига батафсил тўхталиб ўтамиз. **МЖтК-нинг 51<sup>2</sup>-моддасига кўра**, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашганлик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишини файриҳуқуқий равиша рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача микдорда жарима солиш белгиланган. Мазкур ҳукуқбузарликнинг субъекти мансабдор шахс ҳисобланади. Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимиёт вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарish органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишига ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этув-

чи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс. Жумладан, мансабдор шахсларга нафақат давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари, балки марказий сайлов комиссиясининг ёки сайлов комиссиялари раиси ва аъзолари ҳам кириши мумкин.

Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик қасддан содир этилади. Мазкур ҳукуқбузарликнинг обьекти сайлов жараёнининг холис ва ошкора ўтказилиши ҳисобланади. Объектив томони бу – мансабдор ўз мансаб ваколати доирасидан фойдаланган ҳолда, сайлов комиссиясининг қарорини ўзгартиришга, қабул қилиш ёки қабул қилмасликка ноконуний аралашибдан иборат.

**МЖтКнинг 51<sup>3</sup>-моддасига кўра**, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишини файриҳуқуқий равиша рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 26-моддасида “Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори куйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг орган-

ларига, корхона, ташкилот, муассасаларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳукуқига эга, улар қўйилган масалани кўпич билан уч кунлик муддатда кўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шарт”, деб кўрсатилган.

Ушбу ҳукуқбузарликнинг субъекти мансабдор шахс ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик қасддан содир этилади. Ушбу ҳукуқбузарликнинг обьекти қонунда белгиланган тартибда сайлов комиссиялар қарорларининг ижро қилиниши ҳисобланади. Объектив томони бу – номзод ёки сиёсий партияning манфаатларига путур етказиш мақсадида мансабдор шахслар томонидан сайлов комиссияси қарорларини ижро қилинмаслигидир.

**МЖтКнинг 51<sup>4</sup>-моддасига кўра, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳукуқларини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган. Мазкур ҳукуқбузарликнинг субъекти мансабдор шахс ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик қасддан ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилади. Мазкур ҳукуқбузарликнинг обьекти сайлов жараёнида номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партияning ваколатлари ва ҳукуқлари ҳисобланади. Объектив томони уларнинг ҳукуқларини бузишdir.**

**МЖтКнинг 51<sup>5</sup>-моддасига кўра, сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузилганини учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган.**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 44-моддасида “Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёклаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир. Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди. Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташкари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан кўшиб олиб бориш тақиқланади. Нотўғри

ахборотни, шунингдек номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади” деб кўрсатилган. Мазкур ҳукуқбузарликнинг субъекти бу - айнан номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили ёки бошқа мансабдор шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик қасддан ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

Мазкур ҳукуқбузарликнинг обьекти қонун билан белгиланган ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартиbidir. Объектив томони бу – номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили ёки мансабдор шахслар томонидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиши оқибатида бошқа номзод ва сиёсий партияларнинг манфаатларига путур етказишидир.

**МЖтКнинг 51<sup>6</sup>-моддасига кўра, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилганлик ёки бошқа усуллар орқали тарқатганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 44-моддасида кўрсатилган ҳолатларга асосланади. Мазкур ҳукуқбузарликнинг субъекти бу – фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик қасддан содир этилади. Ушбу ҳукуқбузарликнинг обьекти - сайлов натижалари, номзод ва сиёсий партияларнинг ҳукуқ ва манфаатлари ҳисобланади.**

Объектив томони бу – сайлов натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш мақсадида сайлов кунига қадар ёлғон хабарларни, нотўғри ахборотни, шунингдек номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига ҳамда сиёсий партияларнинг обрўсига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан иборат.



## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Нуридин ТОЖИБОЕВ,  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

### СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БҮЙИЧА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

**Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда қо-  
нун устуворлиги, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мус-  
тақиллиги, фуқароларда қонунга ва судга нисба-  
тан ҳурмат, ҳимояга бўлган ишонч каби муҳим  
жиҳатлар таъминланган бўлиши лозим.**

Шу сабабдан ишни энг қўйи босқичдан, яъни судьяликка номзодлар ва суд аппарати ходимларини тайёрлашнинг эски тизимидан воз кечиб, ривожланган давлатларнинг бу борадаги амалиётлари ўрганилди ва Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Айни вақтда мактаб Хитой Халқ Республикаси, Канада, Германия каби давлатларнинг судьяларни тайёрлаш миллий институтлари ҳамда халқаро суд-хуқуқ муассасалари билан узоқ истиқболли ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, уларнинг ўзини оқлаган, самара берган ва юртимиз қонунчилигига, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга мос келадиган жиҳатларини ўзлаштирум оқиди.

Ўтган иккى ой мобайнида мактабдаги ўқиш сифати, тасдиқланган таълим дастурлари, берилаётган касбий кўникмалар шуни кўрсатмоқдаки, бу тизим самарали ва янги даражадаги, мустақил, адолатли, холис ва беғараз, юқори касбий кўникмаларга ҳамда бенуқсон маънавий фазилатларга эга бўлган судьялар корпусини шакллантиришга замин яратади.

Сабаби, мактабда мутахассислик фанларидан ташқари, касб этикаси ва суд психологияси, суд фаoliyatiда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш асослари, юридик тил ва судьянинг нотиқлик санъати, чет тиллари, хусусан инглиз ва рус тиллари, суд тизимида ахборот технологиялари каби ўқув предметларининг ўқитилиши ҳар бир давлат хизматчиси, айниқса инсонларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли касб эгалари — судьялар учун жуда муҳимдир. Ушбу фанлар судьянинг мегин мустаҳкам иродага, турли хил ташқи таъсирларга, провокацияларга қарши барқарор иммунитетга, ахборот-компьютер технологияларига доир амалий билим ва кўникмаларга, фуқаролар билан мулоқотга кириша оладиган, уларга суд қарорларини тушунтириб бера оладиган қилиб тарбиялайди.



**МЖтКнинг 51<sup>7</sup>-моддасига кўра, биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасдан йўқ қилиб юборганик ёки уларга қасдан шикаст етказганлик учун энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг субъекти бу – фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Субъектив томондан ушбу ҳуқуқбузарлик қасдан содир этилади. Эҳтиётсизлик оқибатида ахборот ва ташвиқот материалларига шикаст етказилганини ҳолати ушбу модда билан квалификация қилинмайди.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг обьекти – қонунда белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этилган ҳолда биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материаллар, номзод ва сиёсий партияларнинг хуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

Объектив томони бу – сайлов натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш мақсадида сайлов кунига қадар қонунда белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этилган ҳолда биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларни йўқ қилиш, йиртиб ташлаш ёки яроқсиз ҳолга келтиришдан иборат.

**МЖтКнинг 51<sup>8</sup>-моддасига кўра,** сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузганлиги учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 98-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Чет давлатларнинг, жисмоний ва юридик шахсларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда кўллаб-қувватлаш тақиқланади. Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун

ўз маблағларини ихтиёрий равишда бериши мүмкин. Бу маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси жараёнда улардан фойдаланиш учун қабул қилиб олинади”, деб күрсатилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 100-моддасида “Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловда, маҳаллий Кенгашларга сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси ва бошқа тегишли сайлов комиссиялари томонидан белгиланади. Бу ҳақдаги ахборот Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек зарур ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилинади.

Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисобварагига ўтказилади.

#### **Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари:**

ташиқот олиб боришига;  
номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиши учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишига;  
сайлов кампаниясини ўтказишига доир умумпартиявий тадбирларга сарфланади.

Сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичидаги ўз расмий веб-сайтларида ва босма нашрларида эълон қиласди”. Мазкур хукуқбузарликнинг субъекти бу – фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу хукуқбузарлик қасддан ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади.

Мазкур хукуқбузарликнинг обьекти – номзод ва сиёсий партияларнинг хукуқ ва манфаатлари ҳисобланади. Сиёсий партиялар қонунда белгиланмаган тартибда



нотўри молиялаштирилганлиги оқибатида сайлов натижаларига жиддий таъсир этиш мүмкин. Объектив томони бу – молиялаштириш тартибини бузиш натижасида номзод ва сиёсий партияларнинг хукуқ ва манфаатларига путур етказишдан иборат.

**МЖтКнинг 51<sup>º</sup>-моддасига кўра,** жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 103-моддасида “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади”, деб кўрсатилган.

Мазкур хукуқбузарликнинг субъекти – мансабдор шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу хукуқбузарлик қасддан содир этилади. Мазкур хукуқбузарликнинг обьекти – номзод ва сиёсий партияларнинг хукуқ ва манфаатлари ҳисобланади. Объектив томони бу – сайлов натижаларини прогнозларини эълон қилиш ёки ҳаммага маълум қилиниши оқибатида номзод ва сиёсий партияларнинг хукуқ ва манфаатларига путур етказиш ҳисобланади.



# СОХТА БАНКРОТЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК



**Хуршид ТУРСУНОВ,**  
Шеробод туманлараро  
иқтисодий суди  
раиси.

**Асқар МАМАРАИМОВ,**  
Шеробод туманлараро  
иқтисодий судининг  
судъяси.

*Мамлакат иқтисодиётининг ривожи кичик ва ўрта бизнес субъектлари, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг барқарор фаолият олиб боришларига чамбарчас бөглиқдир. Чунки, барқарор тадбиркорлик фаолияти ички бозорни арzon маҳсулотлар билан таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигига кўмаклашиш ҳамда халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.*

Аммо, банкротлик деб аталган ҳолат тадбиркорларнинг узлусиз фаолиятига хавф солиши билан бирга, давлатимизнинг иқтисодий ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, банкротлик (иқтисодий начорлик) – бу иқтисодий суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир.

Агар тегишли мажбуриятлар ва тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Банкротлик тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини лозим даражада йўлга қўймаганлиги, бизнес таваккалчиликлари ёки молиявий ҳисоб-китоблардаги адашмовчилик натижасида юзага келганда, суд томонидан тадбиркорлик субъектини согломлаштириш ва фаолиятини тиклаш чоралари кўрилади.

Бироқ, хўжалик юритувчи субъект томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш ҳаракатлари содир этилганда, бу жамият ривожи ва давлатнинг иқтисодий барқарорлигига зарар етказиб, ижтимоий хавфли аҳамият касб этади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 180-моддасида сохта банкротлик учун, 181-моддасида банкротликни яширганлик учун ва 181<sup>1</sup>-моддасида қасддан банкротликка олиб келганлик учун жиноий жавобгарлик, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 179<sup>5</sup>-моддасида қасддан банкротликка олиб келганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

2019 йил 28 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ҳамда қасддан банкротликка олиб келганлик учун жиноий ҳамда маъмурий жазо чоралари кучайтирилди.



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 180-моддасига кўра, сохта банкротлик - хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон берishi кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган ҳолатдир.

Илгари мазкур жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима қўлланилган бўлса, қонун билан жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан икки юз эллик бараваригача қилиб белгиланди. Эски таҳрирда мажбурий жамоат ишлари жазоси уч юз олтмиш соатгача деб белгиланган бўлса, янги қонун билан ушбу жазонинг бошлангич миқдори уч юз соатдан бошланиши қатъий белгиланди.

Шунингдек, илгари ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг бошлангич муддати кўрсатилмасдан уч йилгача деб белгиланган бўлса, янги таҳрирдаги қонун билан мазкур жазоларнинг муддати икки йилдан уч йилгача қилиб белгиланди. Бир йилдан уч йилгача тайинланиши кўрсатилган озодликни чеклаш жазоси икки йилдан уч йилгача муддатга тайинланиши назарда тутилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг содир этган жиноятлари учун жазо тайинланганидан кейинги фаолиятларига тўсқинлик қиласлик ҳамда қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-кувватлаш мақсадида жиноят учун жазо санкциясидан беш йилгача муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, яъни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишини таққиқлаш жазоси чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 181-моддасига мувофиқ, банкротликни яшириш бу - хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузуб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишида намоён бўлади.

Худди шунингдек, Жиноят кодекси 181<sup>1</sup>-моддасига кўра, қасддан банкротликка олиб келиш – бу якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансаб-



дор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулқори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тўловга қобилият-сизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келишида ҳамда кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Жиноят қонунчилигига банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келганилик учун сохта банкротлик билан бир хил жазолар тайинланиши назарда тутилган бўлиб, янги таҳрирдаги қонун билан ушбу жиноятларнинг жазо санкцияларига ҳам юқорида баён қилинган ўзгартишлар киритилди.

Жиноят қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш каби иқтисодиёт асосла-рига қарши қаратилган жиноятларга қарши курашиб, барқарор тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш, кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиш ва соғлом рақобат мухитини қарор топтиришига қаратилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунларга оғишимай риоя қилишлари ҳамда юқорида таърифланган банкротлик билан боғлиқ жиноий ҳаракатларнинг содир этилишига йўл қўймаслиги уларнинг барқарор фаолият юритиши кафолати ҳисобланади.



**Умид САЙДАХМЕДОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
“Иқтисодий ҳуқук”  
кафедраси доценти в.б.

## МЕҲНАТ СТАЖИ ВА ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ КАФОЛАТЛАР



**Мирёқуб РАҲИМОВ,**  
Тошкент давлат  
юридик университети  
ўқитувчisi.

*Халқимиз орасида “Бирни бирор беради, кўпни – меҳнат”, “Дарё сувини баҳор тоширап, одам қадрини меҳнат оширап”, “Киши берса – кўримли, меҳнат берса – тўйимли” каби бир қатор ибратли нақлар бор. Дарҳақиқат, доно халқимиз азал-азалдан ўзининг “кўпи”, эътироф этиладиган “қадри”, қаноат қиласидаги “тўйими”га пешона тери билан эришиб келган.*

Сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат шартномаси тузмасдан фаолият олиб бораётган шахслар сони кўпчиликни ташкил этади. Улар асосан бир марталик ёки мавсумий ишларни бажариш учун ёлланиб, буюртма асосида қайсиdir иш ёки хизматни муайян ҳақ эвазига келишилган вақт давомида амалга оширадилар. Сиз ва биз яхши биладиган буюртмага асосан ёлғиз ишловчи электрик, сантехник, уста, тикувчи, мебелчи, пардачи, қурувчи, репетитор, фаррошлар, айrim бухгалтерлар, журналистлар, ўқитувчилар, компьютер хизматларини кўрсатувчи дастурчилар, муҳандислар, дизайнерлар ва ҳаттоқи кўчада норасмий тарзда таксичилик қилаётган киракашлар ҳам айнан шу тоифанинг вакиллари ҳисобланади.

Шуниси аҳамиятлики, юқорида санаб ўтилган касб эгалари кўпчилик ҳолларда якка тартибда оғзаки шартнома ёки ёзма битим асосида буюртмачи билан келишиб кўрсатган хизматлари эвазига ҳақ оладилар. Масаланинг муаммоли томони шундаки, ушбу фуқаролар кўпчилик ҳолларда амалдаги Солик кодексининг 167-моддасида белгилаб қўйилган солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўламаслиги натижасида ўзларининг конституциявий бурчларини бажармайдилар. Натижада давлат бюджетига келиб тушадиган даромадлар миқдори камайиб бораверади.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган ушбу шахслар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар тўла-майдилар ва бунинг оқибатида қариганда

ёшга доир пенсияларни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қоладилар. Зеро “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига асосан шахс Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса (меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса) ҳамда бу давр умумий иш стажининг камида 7 йилини ташкил этган тақдирда ёшга доир пенсияни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда муҳим чора-тадбирлардан бири сифатида қараш мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий хужжат **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 9 июль куни қабул қилинган “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида”ги қарор бўлиб, ушбу қарорда ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби белгилаб берилди.**

Қарорга мувофиқ, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш схемаси, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномаси

мөхнат органлари томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик принципи бўйича) пулли асосида берилиши, ушбу тўловларни ундиришдан тушган тушумларнинг бир қисми ўзини ўзи банд қилганларнинг пенсия сугуртасини таъминлашга мақсадли йўналтирилиши, вақтинчалик мөхнат гувоҳномалари берилган санадан бошлаб ва улар амал қилишининг бутун даври пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқароларнинг мөхнат стажига ҳисобланиши белгиланди.

Ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган мақомига эга бўлган фуқароларни шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади.

Даставвал мазкур қарор мазмунидан келиб чиқиб, ўзини ўзи банд қилган фуқаро тушунчаси моҳиятини аниқлаштириб олиш мақсадга мувоғиқ бўлар эди. Зоро шу кунга қадар ўзини ўзи банд қилган фуқаро тушунчасининг юридик таърифи қонун ҳужжатларида акс эттирилмаган эди.

#### **Ўзини ўзи банд қилган фуқаро**

— мөхнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий мөхнати билан иштирок этишига асосланган фаолиятини мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар мөхнатидан фойдаланмайдиган, мөхнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиши ҳукуқи билан вақтинчалик мөхнат гувоҳномаларини белгиланган тартибда расмийлаштирган жисмоний шахс.

#### **Демак белгиланган таърифдан келиб чиқиб шуни кўришимиз мумкинки, ўзини ўзи банд қилган фуқаро:**

даромад олиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатади, ишларни бажаради;

ушбу жараёнда шахсий мөхнати билан иштирок этиди ва бу фаолиятини мустақил амалга оширади;

якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмайди;

ўз фаолиятида ёлланма ходимлар мөхнатидан фойдаланмайди;

мөхнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиши ҳукуқига эга бўлади.



Содда тил билан айтганда вақтинчалик мөхнат гувоҳномаларига эга бўлган ва юқорида санаб ўтилган талабларга жавоб берадиган жисмоний шахслар ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳисобланадилар. Ҳаётий мисол асосида тушунтирадиган бўлсак, маҳаллада хотин қизлар ёки эркаклар учун кийим-кўйлаклар тикиб бериш фаолияти билан шуғулланадиган мөхнат гувоҳномасини олган тикувчи ўзини ўзи банд қилган фуқаро саналади.

#### **Хориж тажрибаси**

Бугунги кунда ўзини ўзи банд қилган шахслар, яъни фрилансерлар АҚШда жами ишчи кучининг 34 фоизини ташкил этиб уларнинг сони 56,7 миллиондан ошиқдир. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг АҚШ иқтисодиётига кўшган ҳиссаси 715 миллиард долларни ташкил этади<sup>1</sup>. Дунёнинг яна бир ривожланган мамлакати Буюк Британияда 5 миллион ўзини ўзи банд қилган шахслар турли соҳаларда мөхнат қиласи ва уларнинг иқтисодиётдаги улуши 21 миллиард фунт стерлингни ташкил қиласиди<sup>2</sup>.

Вақтинчалик мөхнат гувоҳномаси — мөхнат органи томонидан бериладиган ва фуқаронинг ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатидаги мөхнат мақомини белгилаб берадиган, мөхнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиши ҳукуқини берадиган ҳужжат.

Мөхнат гувоҳномаси ариза берувчининг хоҳишига кўра жисмоний шахснинг мурожаати асосида 1 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга берилади. У берилган санадан бошлаб ва мөхнат гувоҳномасида кўрсатилган

муддатнинг амал қилиши тамом бўлгунга қадар бутун даврга амал қиласди. Мехнат гувоҳномасининг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ўзини ўзи банд қилган фуқаро янги меҳнат гувоҳномаси олиш учун тақороран мурожаат қилиши мумкин, бунда тақорорий мурожаатлар сони чекланмайди.

Ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган мақомига эга фуқароларни шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар мөхнатига ҳақ тўлаш ягона ижтиёй тўловни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга мөхнат гувоҳномаси мөхнат органлари томонидан улар доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик принципи бўйича) берилади.

**Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик мөхнат гувоҳномаси берилганлиги учун ундириладиган ТЎЛОВ МИҚДОРЛАРИ**

Тўлов миқдори (базавий ҳисоблаши миқдори баравари)	Вақтинчалик мөхнат гувоҳномаси қўйидаги муддатта берилади (ойлар)
1	0,5
3	1,4
6	2,6
9	3,7
12	4,5

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ва уларни хизматлар кўрсатиш ҳамда ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилувчи ташкилотлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар шартнома шартларига ёки иш муомаласи одатларига асосланади. Ўзини ўзи банд қилган фуқаро билан хизматлар ва ишлар буюртмачиси оғзаки шаклда битим (шартнома) ёки ёзма шаклда шартнома тузган ҳолда мөхнат муносабатларига киришади.

Қарорга мувофиқ, мөхнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқароларга куйидаги рағбатлантирувчи имтиёзлар белгиланди:

**биринчидан**, мөхнат гувоҳномасининг амал қилиш даври мөхнат стажида ҳисобга олинади. Яъни бирор бир иш берувчи билан мөхнат шарномасини тузмаган ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган лекин ўзини ўзи банд қилган шахс талаб қилинган давр (аёллар 20, эркаклар 25 йил) акс этган мөхнат гувоҳномаси билан ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади;

**иккинчидан**, мөхнат органлари камида олти ой амал қиладиган муддатга мөхнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқароларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун тижорат банкларига тавсиялар берадилар;

**учинчидан**, мөхнат гувоҳномасини расмийлаштирган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларни касбга ўқитиш марказларида, касб-хунар коллежларида ҳамда «Ишга марҳамат» банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатиш мономарказида уч ойгача давом этадиган қисқа муддатли касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака ошириш курсларида белуп ўқитилади;

**тўртинчидан**, мөхнат органлари ўзини ўзи банд қилганларга мөхнат қуролларини, шахсий ҳимоя воситаларини ва иш кийимини имтиёзли асосда бериш пунктларини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мөхнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши натижасида, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини мөхнат даромади билан таъминлайдиган шахсларнинг мөхнат фаолиятини тартибга солиш, мамлакатда аҳолининг ишсиз қатлами иш билан таъминлаш асосларини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг даромадлари оширилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://learn.g2.com/freelance-statistics>
2. <https://www.consultancy.uk>



# АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



**Алибек МАТМУРОТОВ,**

Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси.

**“Адвокат” сўзи лотинча сўз бўлиб, суд ишлари бўйича ишончли вакил, судда ҳимоячи ҳамда бирор шахсни ёки бирор нарсани ёзма ёки оғзаки равишда ҳимоя қила-диган шахс маъноларини англатади.**

Адвокатура кўп асрлар муқаддам юзага келган бўлиб, энг кўхна процессуал институтлардан ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиши ҳар бир шахсга судда вакил олишга рухсат берилган вақтдан бошланган. Ҳозирги замонда адвокатура деганда профессионал юристларнинг уюшган бирлашмаси тушунилиб, унинг асосий вазифаси малакали юридик ёрдам кўрсатишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: «... Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», – деб белгилаб қўйилгани ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига устувор масала сифатида қаралишининг амалий исботидир.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизда жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи борлиги шунчаки ифодаланибигина қолмай, балки бу ҳуқуқ кафолатлаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, ҳеч ким етарлича асосларсиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслигидан жамият албатта, манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-53-моддаларида ҳам ҳимоячи ва унинг ваколатлари, ишда иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари келтириб ўтилган.

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунида адвокатура олдида турган вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, унда адвокатуранинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Асосий фаолият йўналиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган институтлар орасида адвокатура алоҳида ва муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура тизимини ислоҳ қилиш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини оширишга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, юртдошларимиз томонидан одил судловга эришиш даржасини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиб ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга эътиборни янада кучайтириш кўзда тутилган. Шунга кўра Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 12 май куни “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан суд-ҳуқуқ тизимида самарали институтлардан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратиш, адвокатларнинг ҳукуқларини тўлиқ рўёбга чиқариша тўскىнлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал беряётган қатор омилларни бартараф

қилишга қаратилган бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Хусусан, адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишида тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида 2018 йил 1 июлдан бошлаб адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яратшириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳукуқига эга бўлади (адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно). Шунингдек, адвокатлик фаолияти билан шуғуланиш ҳукуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади.

Фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йигимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, Фармонда адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва

бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шартлиги белгилаб кўйилган. Адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганида айбордor мансабдор шахслар эса адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адвокатура институтининг такомиллашувини хорижий тажрибасиз тасавур қилиш қийин. Бу борада миллий анъаналар билан бирга илфор чет эл давлатларининг ютуқларини ҳам инобатга олиш, хорижий давлатлар адвокатлар палаталари билан алоқа ўрнатиш ва тажриба алмашиб лозим. Шу боисдан куйида айрим давлатларнинг адвокатуралари ҳақида баъзи маълумотларни келтириб ўтишга қарор қилдик.

**Буюк Британия.** Солиситорлар – кўп сонли юристлар тоифаси бўлиб, улар кўпинча доимий асосда ўз мижозларига маслаҳатлар берадилар, фуқаролик ва жиноят ишларини уларнинг манфаатлари доирасида тинглашга тайёрлайдилар, айлов ёки ҳимоя томонидан, шунингдек куйи инстанция судларида тарафларнинг вакиллари сифатида иштирок этадилар. Солиситорлар корпорациясининг раҳбари Юридик жамият бўлиб, у сайланадиган кенгаш томонидан бошқарилади. Солиситорликка номзодлар юридик маълумотга эга бўлишлари ёхуд Юридик жамият қошида ўқув курсини тугатишлари лозим, улар маҳсус имтиҳонларни топшириб, икки йиллик стажировкани ўтайдилар.

Мамлакатда кам таъминланганларга бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатиш тизими ҳам яхши ривожланган. 1988 йилда қабул қилинган қонунга кўра, қашшоқларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича Кенгаш таъсис этилиб, унинг фонди бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатишга маблағлар ажратади.

**АҚШ.** Америкалик адвокатлар адвокатлик маҳкамалари таркибида ёки мустақил равишда иш юритадилар. Корпорацияларда ишловчи адвокатлар ҳамда давлат атторнейлари штат юристлари ассоциацияларига бирлашадилар (айрим штатларда тегишли амалиёт билан шуғуланиш учун бундай ассоциацияга аъзо бўлиш мажбурий шарт ҳисобланади). Бутун мамлакат миқёсида бундай бирлашмаларнинг фаолияти Америка юристлар ассоциацияси томонидан



мувофиқлаштирилади. Унинг 400 мингга яқин аъзоси бўлиб, у ўта нуфузли сиёсий куч ҳисобланади. Мазкур ассоциация штатлар қонун ҳужжатларининг яқинлашув жараёнларида мухим ўрин эгаллайди, федерал қонун ҳужжатларига ўзгартирishлар киритишни таклиф этади, касбий этика масалалари билан шуғулланади ва ҳоказо.

**Япония.** Мамлакат Конституциясига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича айбланувчиҳи ҳимоя қилиш адвокат томонидан амалга оширилиб, адвокат судланувчининг таклифи билан ёки адвокатнинг хизматига ҳақ тўлашга имкони бўлмаган ҳолларда давлат томонидан тайинланади. Прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий танлов қоидалари белгиланган. Бунинг учун япон университетлари юридик факультетларининг битирувчилари аддия вазирлиги маҳсус комиссияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган имтиҳонлардан ўтишлари лозим.

**Германия.** Жиноят ишлари бўйича айбланувчиларни ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа тоифадаги ишлар бўйича тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш адвокатлар томонидан амалга оширилади. Адвокатнинг участка судида судьянинг якка тартибда жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишида иштирок этиши мажбурий эмас. Бирок, адвокатлар меҳнат ишлари бўйича юқори инстанция судларида тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари мажбурийдир.


Адвокатлик фаолияти билан шуғуллашиш учун университетнинг юридик факультети битирувчиси уч-тўрт йил судларда, прокуратура идораларида ва адвокатура ларда стажировка ўташи, Олий суд қошидаги комиссияга имтиҳон топшириши ва шундан сўнггина қайси судда адвокатлик фаолиятини юритмоқчи бўлса, ўша ҳудуд аддия идорасидан тегишли рухсатнома олиши лозим. ГФРда ҳар бир адвокат адвокатлик фаолияти юритишга рухсат берилган олий суд ёки ҳудуд судидагина ўз бюроси-

ни очиши мумкин. У ёки бу олий суд окружигида фаолият юритувчи адвокатлар битта (уларнинг сони 500 дан ортиқ бўлса, иккита) адвокатлар ҳайъатига бирлашадилар. Олий федерал судда иш юритишга рухсат берилган адвокатлар алоҳида ҳайъатга бирлашадилар. ГФРда мавжуд бўлган барча адвокатлар ҳайъатлари Федерал адвокатлар бирлашмасига кирадилар. Бу бирлашмакам таъминланганларга бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатиш хизматини ҳам амалга оширади.

Давлат ҳар бир фуқаронинг юридик ёрдам олиш ҳукуқини таъминлаш мақсадида адвокатни аҳоли учун қулаги жойлардан зарур бинолар билан таъминлайди; адвокатлар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ташкил этилишида кўмаклашади; адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплайди ва ўрганади; адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ тажовузлар, асоссиз чеклашлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, адвокатуранинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Ҳақиқатан ҳам адвокатура зиммасига барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонний манфаатларини муҳофаза қилишга, одил судловни амалга оширишга, қонунийликка риоя қилиш ва уни мустаҳкамлашга, фуқароларни қонунларга аниқ ва оғишмай риоя этиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаън, қадр-қимматларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш юклатилган.

Хулоса сифатида айтганда, адвокатура соҳасида ҳам ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ривожланган давлатларнинг мазкур соҳада тўплаган ибратли тажрибалини мамлакатимизда жорий этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя этилишига, одил судловни амалга оширишга хизмат қиласди.





**Акмалжон МАМАТОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
Суд амалиёти муаммоларини ўрганиши маркази  
етакчи мутахассиси.

# НИКОҲ ШАРТНОМАСИ – МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ



**Насиба  
АБДУРАХМОНОВА,**  
Судьялар олий мактаби  
Суд амалиёти муаммоларини ўрганиши маркази  
бош мутахассиси.

**Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг VI боби (29-36-моддалари) эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартибига багишланган бўлиб, унда никоҳ шартномасининг мазмун моҳиятига оид нормалар ўзининг ёрқин ифодасини топган.**

Никоҳ шартномаси деганда никоҳланувчи шахсларни ёки эр-хотинни никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотиннинг никоҳлари тугатилган тақдирда, уларнинг мулкий хукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви тушунилади. Бошқача айтганда, мазкур шартнома эр ва хотинни тинч-тотув яшаб юрган вақтларида уларнинг турмушлари хотиржам кечишини, уларнинг бир-бирларини майда қусурларини кечиришларини, бир-бирлари билан арзимаган майда-чуйда сабаблар туфайли жанжаллашмасликларини моддий гарови бўлса, эр-хотин жиддий масалада жанжаллашиб қолганидан кейин уларнинг мулкий низоларини судга қадар тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги келишуви ҳамdir.

Никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи фуқаролик хукуқидаги шартнома тузишнинг эркинлиги тамойилидан

келиб чиқиб ихтиёрий ҳисобланади. Аммо бизнинг фикримизга кўра никоҳ шартномасининг минимум даражадаги стандарт шартларини киритган ҳолдаги шаклини белгилаб, шундай бўлса-да мажбурий туздириш ҳақидаги қонун нормаларини киритиш лозим. Чунки, никоҳ шартномасини тузиш бу янги қурилаётган оиласинг арзимаган сабабларга кўра барбод бўлишининг олдини олиш учун қўлланилган чора ва уни суғурталаш ҳисобланади.

Янги оила қураётган шахслар ҳам оиласинг барбод бўлишини истамаса-да, оила мустаҳкамлигининг гарови сифатида уни тузишлари лозим. Зеро, никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида ишончсизлик эмас, балки масъулият хиссини уйғотади. Соддороқ қилиб айтганда никоҳ шартномасининг мавжудлиги оила куришдан олдин никоҳга кирувчиларни келажакда уларнинг қаерда ва кимнинг ҳисобига яшashi, оила барбод бўладиган тақдирда, хотиннинг фарзандлари билан қаерда истиқомат қилиши, бундай ҳолатда оиласинг таъминотини ким амалга ошириши, фарзандларга алиментларни берилиши тартиби ва миқдори, хотинига эрнинг мулкидан қисм ажратилиши, эр-хотин бирга топган мулкининг тақсимланиш тартиби, фарзандларига тегишли бўлган мулкларнинг кимда сақланиши масалалари юзасидан жиддий фикр юритишга ундейди ва уларни келажак ҳаётга тайёрлашда мухим восита ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, никоҳ шартномасини оила мустаҳкамлигининг гарови, уни ҳукуқий жиҳатдан суғурталаш деб тушуниш мумкин.

Аммо республикамизда никоҳ шартномаси тузиш ҳозирда кенг қамровга эга эмас. Чунки, жамиятда ҳукуқий нигилизм, қонунни





билмаслик ёки тушунмаслик ҳоллари ёхуд аҳоли қатламларининг аксарият қисмida ни-коҳ шартномасининг тузилиши эр ва хотиннинг бир-бирига ишонмаслигидан далолат бериши ҳақидаги нотўғри тушунча мавжуд. Бунинг асосий сабаби никоҳ шартномасининг аҳамияти ҳали халқимиз томонидан тушуниб етилмаганилиги, унинг мазмун моҳиятини жамиятимизга етказишда биз суд-хукуқ органлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорликдаги ишларни тўлиқ йўлга кўя олмаганилигимиз ва мавжуд имкониятлардан фойдалана олмаётганлигимиздан ҳам бўлса керак. Никоҳ шартномасини тузишининг нима зарурияти бор деган саволга эса қўйидагича жавоб бериш мумкин. Мазкур шартнома орқали эр-хотин ўзининг мулкий хукуклари ҳимоясини кафолатлади, никоҳ шартномасининг тузилиши никоҳ тугатилганидан кейин ҳам, собиқ эр-хотинлар ўртасида самимий муносабатларни сақлаб қолиша мухим роль йўнайди.

Чунки бунда мулкий муносабатлар олдиндан келишилган тартибда ва муносабатларни мураккаблаштирумagan ҳолда ҳал этилади.

Шартнома ёзма шаклда тузилиб, унинг кириш қисмida шартнома тузилган кун, ой, йил ва тузилган жой, тарафларнинг исми шарифи, яшаш манзиллари, уларнинг ни-коҳи қайд этилган бўлса шу ҳақдаги маъ-лумотлар, шартноманинг асосий мақсади ифодаланади.

Кейинги қисмда эса умумий қоидалар белгиланиб, унда, эр-хотиннинг никоҳ даврида кўлга киритган мол-мулклари, унга қадар тарафларда бўлган мулклар, никоҳ даврида эр-хотинни кўлга киритган ҳар бирининг ўзини мулклари тақдири ва мақоми белгиланади.

Шартноманинг навбатдаги қисмida та-рафларнинг алоҳида тоифадаги мулклари,

масалан, банкка қўйилган омонат пуллари ва уларнинг фоизларини олиб турилиши ва тасарруф этилиши, иштирокчи сифатида улуш билан қўшилган ҳар хил жамиятлардаги улушларга нисбатан ҳисобланган дивидендерни олиб турилиши ва тасарруф этилиши, эр-хотиннинг бири номига олинган акциялар бўйича акция эгаларининг хукукларидан фойдаланишдаги ваколатлари, қимматбаҳо заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларнинг никоҳ даврида ва ундан кейин кимнинг эгалигига бўлиши баён этилади.

Шартноманинг яна бир қўшимча шартли қисми сифатида эр-хотиндан бирининг иккинчисига никоҳ даврида фойдаланиш ҳамда доимий рўйхатдан ўтган ҳолда яшаш хукуки билан уй-жой тақдим қилиши, никоҳ тугатилган тақдирда эса, иккинчи томоннинг шартномада белгиланган муддат давомида ажратилган хонада қолиши, эр-хотиндан бирини иккинчисининг розилигисиз амалга оширган шартномавий муносабати юзасидан жавобгарлиги, эр-хотиндан ҳар бирининг ўзига тегишли мулк учун кредитор олдиради жавобгарлиги, никоҳ даврида уй-жойда биргаликда амалга оширилган таъмирлаш ишлари бўйича ҳаражатлар юза-сидан шартлар ифодаланиши мумкин.

Яқунловчи қисмда шартноманинг кучга кириши, уни ўзгартериш ва бекор қилиш тартиби, низоларни ҳал қилиш тартиби, шартномани расмийлаштириш, келгусида низоларни ҳал этиш жараёнидаги бошқа чиқимларни ва ҳаражатларни тўловлари масаласи ойдинлаштирилади. Никоҳ шартномаси муддатли ва муддатсиз тузилиши мумкин. Муайян муддатга тузилган шартнома мазкур муддатгача, муддатсиз тузилган шартнома эса никоҳ тугатилгунига қадар амалда бўлади.

# МАСЪУЛИЯТ, ИРОДА ВА МАТОНАТ ЭГАСИ

**Бугунги сұхбатдошимиз Үртачирчик туманлараро иқтисодий суди судьяси Хуршид Равшанов. У 1982 йилда зиёли оиласа таваллуд топған. 2007 йилда Тошкент давлат юридик институтини (ҳозирги Тошкент давлат юридик университети) тамомлаган. Оиласы, 3 нафар фарзанди бор.**



**– Сизнингча, бугунги күн судьяси жамиятда қандай үрин тутиши лозим?**

– Судьялар ўз фаолияти даврида бенуқсон хизмат қилиши, ҳалоллик, холислиқ ва адолатлилық фазилатларига әга бўлиши, қолаверса, хушмуомалалик, матонат, илмга чанқоқлик каби хислатларига эгалиги судьяларнинг жамиятимиздаги ўрнини яққол кўрсатиб беради.

**– Судъяниңг масъулияти деганда энг аввало, хаёлингиздан нималар ўтади. Шу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдим?**

– Ҳар бир судья судьялик шаънини сақлаш учун, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиб, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириши ёки судъяниңг холислигига шубҳа тугдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт. Шу билан бирга, судья судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш вақтида берилган маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас. Албатта, бу масъулиятли мажбуриятлар судъядан юксак ирова ва матонатни талаб этади.

Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Мингбоевнинг коррупцияга қарши курашиш борасида судья ва суд тизими ходимларига «Касбий масъулиятимиз мезонлари» мавзусидаги мурожаати ҳам судьялик касбини қанчалик масъулиятли эканлигини яққол кўрсатиб берди. Судьялар олий кенгашининг раиси ушбу мурожаатида ҳаётий ҳақиқатларни жамлаб, адолатга даъват этиб айтилган фикрлари, мулоҳазалари ва тавсиялари билан ҳар бир судьяни келгусида судья деган юксак номга доғ туширмасликка, уларни ҳар хил ёмонликлардан асраб-авайлашга чақирди. Бу каби теран мулоҳазалар ҳар бир судьяни сергак тортиради, устозлар таъбири билан айтганда “уйғотиб” кўяди. Судьялар ўз фаолияти даврида ушбу маслаҳатларга амал қилиши келгусида бенуқсон обрў-эътиборга эга

бўлишига, унинг ҳалоллигига, холислигига, адолатлилигига шубҳа қолдирмайди.

**– Судья жамиятда тутган юксак судьялик мақоми нуқтаи назаридан келиб чиқиб, у хизмат фаолиятидан ташқари вақтларда қандай қоидаларга риоя этиши ва қандай ижобий фазилатларга әга бўлиши керак?**

– Энг аввало, судья, суднинг обрўсини туширмасликка, шунингдек, судъяниңг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлардан холи бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Судья юксак мақомли касбга доғ туширувчи оммавий тадбирларда иштирок этмаслиги керак. Биласиз, судья ҳам оиласа ота ёки она, мазкур вазиятда фарзандларини вояга етказиб, келгусида уларнинг ҳавас қилгудек ҳулқ-атворли қилиб тарбиялаши бўйича ўз мажбуриятларини бажариши керак. Шу билан бирга, судья суд ресурсларидан шахсий мақсадда фойдаланмаслиги, бунда, судьялик обрўсидан фойдаланмаслиги ёки бошқа шахслар ва оила аъзоларининг фойдаланишига йўл қўймаслиги керак. Шунингдек, судья шахсан ўзи ёки ишончли шахслар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья ўзи, турмуш ўртоғи билан вояга етмаган фарзандларининг тарбияси орасида қатъий тартибда шуғулланиши, оиласа келаётган даромадлар ҳамда уларнинг манбалари тўғрисида, албатта, хабардор бўлиши шарт.

Бундан ташқари, биласиз турмушда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш борасида ҳам амалдаги қонунчилигимизда бир қатор талаблар мавжуд бўлиб, судья ўзининг ташқи кўриниши, камтарлиги ва сиполиги билан жамиятда бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Кийиниш маданияти хусусида шуни айтишим мумкинки, судья эътиборни ҳаддан ташқари жалб этадиган даражада кийинмаслиги, тақинчоқлар ва

бошқа безаклар тақмаслиги керак. Судья ўз оила аъзоларининг судьялар одоб-ахлоқ нормалариға риоя этишини назорат қилиши, бирор-бир шахсга нисбатан судьянинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган қўпол муомалада бўлишига йўл қўймаслиги шарт. Судья ўз оила аъзолари, қариндошлари ва бошқа шахслар томонидан унинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларига, шунингдек, суд ҳужжатларини қабул қилишига таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги керак.

**- Сўнгги вақтларда фуқаролар томонидан суд қарорлари юзасидан билдирилаётган турли хил фикрларга муносабатингиз қандай?**

Айтиш жоизки, судья бирор-бир ишни кўриб чиқиш жараёнида якуний суд ҳужжатини қабул қиласди. Иқтисодий ишларни кўриб чиқиш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида иқтисодий суд ишларини юритиш принципларидан бирини, мазкур Кодекснинг 13-моддасига мувофиқ ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш деган принцип ташкил этади. Бунда суд ишларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилиши ҳамда суд ишни кўришда давлат органининг ёки бошқа органнинг ҳужжати қонунга мувофиқ эмаслигини, шу жумладан ушбу ҳужжат ваколат доирасидан четга чиқилган ҳолда қабул қилинганини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилиниши ҳақида нормалар мавжуд. Кўриниб турибдики, амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилиниши белгиланган, мазкур нормаларга амал қилиб судья ҳал қилув қарорини қабул қилиши, адолатли якуний суд ҳужжати негизини ташкил этади. Яна айтишим мумкин, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида судья ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида ҳал этиладиган масалалар кўрсатилган, бунда ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида суд:

- ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаблари ва эътиrozларини асослантириши учун келтирган далиллари ва важларига баҳо бериси;

- иш учун аҳамиятли қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилаши;

- ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича кўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилиши;

- ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини кўллаш зарурлигини аниқлаши;


- ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳукуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилаши;

- даъвони қаноатлантириш лозимлигини ёки лозим эмаслигини ҳал қилиши белгиланган. Мазкур процессуал талабларга судья томонидан қатъий амал қилиниши, келгусида адолатли ҳал қилув қарорини қабул қилинишига замин яратади.

Албатта, ҳозир мен иқтисодий йўналишда қабул қилинадиган адолатли якуний суд ҳужжатини қабул қилишда қатъий амал қилиниши керак бўлган амалдаги қонунчилигимиз нормалари тўғрисида тўхталиб ўтдим. Бунда суд амалиётлари жараёнида қабул қилинаётган қарорларнинг адолатли талқин этилишида, судьянинг маҳорати ва тажрибаси ҳам катта ўрин тутади. Менинг фикримча, ҳар бир судья ҳам устозлардан ўрганаётган ўғитларига таянади ва керак бўлгандা уларнинг тажрибаларидан ўрганганлари асосида иш кўрамиз.

**- Судьянинг адабиёт, санъат ҳамда дунёвий воқеалардан хабардор бўлиши, унинг фаолияти учун қанчалик аҳамиятли?**

Шу ўринда яна устозимиз Убайдулла Қурбоновичнинг амалий тажрибаларидағи сўзларидан келтириб ўтмоқчиман. Маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули – китобхонлик. Кимки, китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини терананглайди. Китобхон инсон доимо виждонига қулоқ тутиб, фақат адолат томонида туради, – деган сўзлари бежизга эмас. Мазкур сўзлар, кўп йиллик ҳаётий ва қасбий тажрибага эга, ўз қасбини шаънидан ҳам юқори тутувчи адолатли судьянинг амалдаги асл ҳақиқатларидан биридир. Албатта, бу ҳар бир судья учун қатъий амал қилиниши лозим бўлган қонуний ўғит деб биламан. Китоб мутолааси бўйича ўзимнинг охирги ўқиган китобларимдан “Темур тузуклари” кито-





бининг янги тҳирдагиси, Шоҳруҳ Акбаровнинг “Мен Ўзбекман” ва “Касби-Корим адолат бўлди” номли тарихий-хужжатли романлари, Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирда қабул қилинган Коңунида белгилаб қуйилган судья судьялик шаънини судьялар одоб-ахлоқи қоидаларини қатъий сақлаши, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириши ёки судъянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шартлигидан келиб чиқсан, бунинг учун албатта, адабий ва бадиий китобларни кўп мутолаа қилиш зарур бўлади. Шунингдек, “Судъяларнинг одоб-ахлоқ кодекси”нинг 2-моддасида белгиланган мажбуриятлардан бири, яъни судъянинг фаҳм-фаросатлилик, хушмуомалалик, ҳалоллик, илмга чанқоқлик каби хислатларига эга бўлиши учун ҳам китоб ўқиш зарур бўлади, деб ҳисоблайман.

**– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳимиятининг амалда татбиқ этилаётгани нималарда акс этмоқда?**

– Албатта, ушбу саволни ўз ўрнида берилган савол деб үйлайман. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқук соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланди. Юртбошимиз томонидан қабул қилинган ушбу Фармон юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширишдаги ис-

лоҳотларнинг асоси деб үйлайман ва бу соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлади.

Ушбу Фармонга мувофиқ, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизими ни тубдан такомиллаштириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ташкил этилганлиги ҳам айни мудда бўлди. Мазкур Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг фуқаролик, жиноий, маъмурӣ ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий орган — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилишини ҳам айтишим мумкин. Албатта, суд ҳокимияти икки олий органининг параллел фаолият юритиши амалдаги қонун ҳужжатлари норма талабларини бир хилда қўлланишини таъминлай олмаслиги мумкин, қолаверса бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Шу ўринда, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича маҳсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян иштироқида ҳалқаро пресс-клубда бўлиб ўтган тадбирда айтган қуидаги сўзларини юқорида келтирилган мамлакатимизда суд-ҳуқук соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалдаги исботи сифатида келтиришимиз мумкин. Ўзбекистонда суд-ҳуқук тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини таъминлаш, одил судлов тамойилларини қарор топтириш мақсадида кенг қўлламили ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, Судъялар олий кенгаши тузилгани, Судъялар олий мактаби фаолияти йўлга қўйилгани соҳадаги муҳим қадамлардан, – деган эди Диего Гарсия-Саян.

**Суҳбатдош Жамила ЭШОНҚУЛОВА,**  
“Odillik mezon” мухбери.

# ХУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ РОЛИ

*Статистик маълумотларга кўра, республикамизда 2017 йилга қадар ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг сони йил сайин кўпайиб бораётган эди. Биргина Тошкент вилоятида 2016 йилда 33.556 (2015 й. 30.700) та ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 фоизга кўпайган бўлса, 8.451 (8.420) та жиноят содир этилиб, 1,0 фоизга кўпайган.*

Ушбу соҳада олиб борилган одилона сиёсат ва саъй-харакатлар натижасида 2017 йилга келиб ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг бир мунча камайишига эришилди.

Тошкент вилоят судлари томонидан 2017 йилда 7.477 та жиноят иши кўрилиб, 2016 йилга нисбатан 11,5 фоизга камайишига, 2018 йилда 4.965 та жиноят иши кўрилиб, 2016 йилга нисбатан 41,2 фоизга камайишига эришилган.



Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сони ўтган йилларга нисбатан охирги йиллarda камайган бўлсада, 2018 йилда бу соҳада қайд этилаётган рақамларнинг ўзи ҳали олдимизда кўплаб ишлар қилишимиз кераклигидан далолат бермоқда.

**Энди, 2018 йилда жиноят содир этган шахсларнинг тоифасини ўрганадиган бўлсак, Жиноятларнинг:**

- 126 (2,0 фоиз) таси вояга етмаганлар;
- 2.785 (43,7) таси ёшлар;
- 683 (10,7 фоиз) таси аёллар;
- 206 (3,2 фоиз) таси 60 ёшдан ошганлар;
- 1.165 (40,4 фоиз) таси бошқалар томонидан содир этилган.



Жиноят содир этган шахслар тоифасини ўрганиб чиқиб, умумий жиноятларнинг 2,0 фоизи вояга етмаганлар, 43,7 фоизи ёшлар, 10,7 фоизи аёллар, 3,2 фоизи 60 ёшдан ошган шахслар томонидан содир этилишининг ўзи ҳар биримизни чуқур ўйлаб мулоҳаза қилишга мажбур қиласди.

Яна бир жиҳат, 2018 йилда судларда кўрилган жиноят ишлари бўйича жазо тайинлаш амалиётини 2017 йил билан солиштирган ҳолда таҳлил қиласак:

## Судланган шахсларнинг:

- 620 (777) нафарига жарима;
- 4 (3) нафарига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 81 (99) нафарига мажбурий жамомат ишлари;
- 1328 (2058) нафарига ахлоқ тузатиш ишлари;
- 1193 (1219) нафарига озодликни чеклаш;
- 1289 (1934) нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.
- 395 (1030) нафари шартли ҳукм қилинган.



**Жамшид САДИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви  
Академияси тингловчуси.



Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судлари томонидан 2018 йилга нисбатан, айниқса ёшлар, вояга етмаганлар, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳукуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга кўйилди.

Жиноятчилик ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида 2017 йил 5 декабрда “Ёшлар масалалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум”, Олий суд ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида 13.02.2018 йилда дастлаб “Хотин-қизларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оиласарни мустаҳкамлаш, оиласий низолар ҳамда никоҳдан ажralиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида” кўrsатма, 20.07.2018 йилда Олий суд ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум, 08.06.2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

Меморандумларнинг ижроси бўйича 2018 йилда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судлари томонидан 2.785 нафар ёшларнинг, 51 нафар ёшларга оид жиноят ишларини кўришда Ёшлар иттифоқининг худудий бўлимлари етакчилари иштирок этиб, уларнинг вояга етмаганлар ва ёшларнинг келгусида жиноят содир этмасликлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва тўғри йўлга ўтиб олишига қўмаклашиши ҳақидағи кафиллик хатларига асосан судланган 51 нафар вояга етмаган ва ёшларга озодликдан маҳрум қи-

лиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.


Шунингдек, 683 нафар аёлларга оид жиноят ишларини кўришда Хотин-қизлар масалалари бўйича қўмита яъни, ҳоким ўринbosарлари иштирок этиб, аёлларнинг келгусида жиноят содир этмасликлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва тўғри йўлга ўтиб олишига қўмаклашиши ҳақидағи кафиллик хатларига асосан судланган 24 нафар аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Бундан ташқари, 1.165 нафар судланувчиларга оид жиноят ишларини кўришда ўзини-ўзи бошқариш органларидан маҳалла раислари иштирок этиб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг фуқароларнинг қасддан ёки эҳтиёtsизлик оқибатида биринчи марта жиноят содир этганларни келгусида жиноят содир этмасликлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши ва тўғри йўлга ўтиб олишига қўмаклашиши ҳақидағи кафиллик хатларига асосан судланган 145 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

2017 йил 13 июнда Президентимизнинг судьялар билан бўлиб ўтган тарихий учрашувларида судларда ишларнинг 30 фоизини сайёр судларда кўриш, халқ билан очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, содир этилган жиноят ва ҳукуқбузарликларни халқнинг орасида муҳокама қилиш белгилаб берилди.

2017 йил 13 июнга қадар судлар томонидан ишларнинг 6,0 фоизи сайёр судларда кўрилган бўлса, шу йилнинг охирига қадар бу кўrsаткич 29,3 фоизга етказилди. Бугунги кунда эса ишларнинг қарийб 44,0 фоизи сайёр судларда кўрилмоқда.

### Ишларнинг сайёр судларда кўриш фоизи



**Бундан ташқари, 2018 йилда жиноят ишларининг 2.179 таси (43, 9 фоизи) сайёр судларда:**

- 63 фоизи маҳалла фуқаролар йиганида;
- 21 фоизи корхона, муассаса, ташкилотларда;
- 16 фоизи ўқув муассасаларида кўрилди.

Шунингдек, суд томонидан кўрилган ишларнинг 2017 йилда 4.216 та (74,1 фоиз), 2018 йилда 3.727 таси (85,3 фоиз) бўйича хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан ваколатли органлар ва жамоат ташкилотларига хусусий ажримлар чиқариш йўли билан муносабат билдирилган. Хусусий ажримлар аксарияти муҳокамасида суд раиси ва ходимлари иштирок этиб, эътиборни жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни бартараф этишга йўналтирилган. Улардан аксариятига жавоб хатлари келиб тушган бўлиб, барчаси бўйича йигилиш ўtkазилиб, тегишли қарор қабул қилинган, чора-тадбирлар белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон хукуқлари тўғрисидаги халқаро хужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини, қонун билан қўриклинадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва хукуқбузарликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 22 та туман (шаҳар) маҳалий депутатлар Кенгашига ва вилоят халқ депутатлар кенгашига ахборот тақдим этиб келинмоқда.

Кенгашда келгусида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва самарали фаолият юритиш бўйича истиқболли режаларни амалга ошириш бўйича келишиб олинди. Демак, тўпланган хужжатлар, таҳлил қилинган маълумотлардан келиб чиқиб, жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, жиноят ва хукуқбузарлик содир этган шахсларнинг қайта тарбияланиши ва тўғри йўлга ўтиб олишлари учун уларнинг ҳам роли жуда муҳим.

Жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали 2019 йилга нисбатан ҳам 2020 йилда уларнинг сонини сезиларли даражада камайтириш мумкин.



**Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, кўрсатилган натижаларга эришиш учун қонунчиликка жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ролини янада ошириш бўйича қўйидаги тавсиялар билдирилади:**

1. Хукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари ўртасида жиноятчилик ва хукуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиши;
2. «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд ва жамоатчилик назоратини кучайтириши;
3. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши орқали жамоатчилик назоратини кучайтириши;
4. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий йўналишлар ишларида жамоатчилик иштирокини таъминлашдан келиб чиқиб қонунчиликни таъминлаштириши;
5. Коррупцияга қарши курашишинг ташкилий-хукуқий механизmlарини таъминлаштириш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириши;
6. Аҳолининг хукуқий маданияти ва онгини юксалтириши, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиши.

7. Хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириши ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли хукуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратадётган сабаб ва шароитларни бартараф этишда жамоатчилик ролини ошириш;

8. Хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизmlари самарадорлигини ошириши, фуқароларнинг хукуқни муҳофаза қилиши тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш лозим.



**Жўрабек РАСУЛОВ,**  
Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети  
мустақил изланувчи.

## “МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ” ТУШУНЧАСИ

**Мажбурий меҳнат, қулликнинг замонавий шакллари ва одам савдоси – жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ва алоҳида эътиборда бўлган муаммолардан бирни ҳисобланади.**

Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 40 миллионга яқин киши қулликнинг турли кўринишларидан жабр чекмоқда. Кишилар таҳдид қилиш, зўравонлик, алдов ва ҳокимиятни суистеъмол қилиш каби усуслар билан мажбурий меҳнатга жалб қилинмоқда<sup>1</sup>.

1930 йилда мажбурий меҳнат тўғрисидаги ўзининг биринчи ҳужжати – “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция”ни қабул қилган ХМТ Бош Конференцияси аъзо-давлатларни қисқа муддатларда мажбурий меҳнат қўлланилишининг олдини олиш ва бундай жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича зарур чораларни кўришга чақирган. Шунга қарамасдан, 90 йилга яқин вақт ўтган ва Конвенция деярли барча аъзо-давлатлар томонидан ратификация қилинган бўлса-да, мажбурий меҳнатни қўллаш амалиёти янгича кўриниш ва шаклларда на-моён бўлиб келмоқда.

Табиийки, мажбурий меҳнатни тақиқлашни ҳуқуқий тартибига солиш масалалари фақатгина миллий қонунчилик билан чекланиб қолмайди. Бу борада халқаро ҳуқуқ манбалари бўлмиш халқаро шартномалар, халқаро одат нормалари, халқаро судларнинг қарорлари, доктриналар ва бошқаларнинг аҳамияти ва ўрни айниқса муҳимдир.

Мажбурий меҳнат жиноят сифатида жазога тортилиши шарт. Бугунги кунда мазкур ҳолат инсоният томонидан умумтан олинган факт ҳисобланади. ХМТ аъзо-давлатларининг аксарият кўпчилиги мажбурий меҳнатга оид иккита конвенцияни ҳам ратификация қилишган. Одатда миллий қонунчилик ҳужжатларида, хусусан, жиноят ҳуқуқига, меҳнат ҳуқуқига оид нормаларда мажбурий меҳнат, шунингдек, қуллик амалиёти ва шунга ўхшаш бошқа амалиётлар қатъий тақиқланади, мажбурий меҳнатнинг қўлланилиши ҳолатларига нисбатан санкциялар белгиланган.

Шу билан бирга, ХМТ Бош директорининг 2005 йилда бўлиб ўтган 93-сессиясида “Глобал

альянс мажбурий меҳнатга қарши” мавзусида қилган маъruzасида таъкидлашича, деярли барча давлатларда икки хил муаммо умумий кўринишга эга. Биринчидан, баъзи бир истисноларни инобатга олмагандан “мажбурий меҳнат” тушунчасига аниқ таъриф мавжуд эмас, бу эса ўз навбатида, мазкур ҳолатларни аниқлаш ва жиноятчиларни жазолаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифасини қўйинлаштиради. Иккинчидан, юқоридаги ҳолатнинг натижаси ўлароқ, қайси бир давлатни олмайлик, мажбурий меҳнатни қўллаётган шахсларни жазога тортиш ҳолатлари жуда ҳам камчиликни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, бундай шафқатсиз доира илдиз отиб бормоқда: аниқ қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, суд таъқибини амалга ошириш учун ресурсларнинг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, муаммога етарлича баҳо берилмаслик ва тарғибот-тушунтириш фаолиятининг чекланганлиги, ва шу сабабли қатъий ва тушунарли қонунчиликни қабул қилишга эришишга интилишнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар<sup>2</sup>.

Хўш, мазкур масалада миллий қонунчилиги-мизнинг халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигига, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг ҳуқуқ тизимимизга имплементация қилинганлик даражасига қандай баҳо бериш мумкин?

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси томонидан ХМТнинг 17 та конвенцияси, жумладан, 8 та асосий конвенцияси, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенцияси ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатлардан - Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция, Мажбурий меҳнатни тутгатиш тўғрисидаги 105-Конвенция, шунингдек, Ўзбекистон томонидан 2019 йил 25 июнда ратификация қилинган Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенцияга Баённома бевосита мажбурий меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибига солади.

Халқаро меҳнат конференциясининг 103-сесиясида Ўзбекистон делегацияси раҳбари сифатида иштирок этган Т.Нарбаеванинг бу борадаги маърузаси масаланинг Ўзбекистон учун қанчалик долзарблигини кўрсатмоқда. “Тан олиш керакки, Конвенцияларни ратификация қилиш – бу муаммо ҳал қилинганинги билдирамайди. Конвенцияларнинг ратификацияси – муаммони 50 фоизга ҳал қилишидир, қолгани эса – халқаро мъёёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳисобланади, бу биринчидан. Иккинчидан, ва энг муҳими – ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда аҳолининг, айниқса, фермерлар ва иш берувчиларнинг фикрлашини ўзгартириш лозим”<sup>3</sup>.

Миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг таҳлили “мажбурий меҳнат” тушунчасини талқин қилиш ва қўллашда сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида гапта кишининг эркини чеклаган ҳолда бирор бир фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш тақиқланиши мазмунидаги нормалар ўз аксини топган. Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида гапта халқаро пактнинг 8-моддаси, 3-бандида “Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим”лиги белгиланган норма келтирилган, шунингдек, “мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат” атамаси сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган.

Аmmo, юқорида келтириб ўтилган ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “мажбурий меҳнат” тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаган. Бундай таъриф дастлаб ХМТ томонидан 1930 йилда қабул қилинган “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида гапта 29-Конвенция”нинг (кейинги ўринларда – 29-Конвенция) 2-моддасида берилган ва кейинчалик бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатларида мазкур Конвенцияда қабул қилинган таъриф асос қилиб олинган. Мазкур Конвенциянинг ўзбек тилидаги таржимасида “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамасидан фойдаланилган<sup>4</sup>. Демак, 29-Конвенциянинг 2-модда, 1-бандига мувофиқ, “Ушбу Конвенция мақсадлари учун “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ихтиёрий равиша ўз хизматларини таклиф этимаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдида остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади”<sup>5</sup>. Мазкур таъриф иккита муҳим элементни ўз ичига олади: иш ёки хизмат жазолаш таҳдида остида бажари-



лади ва кишининг ихтиёрига зид равища амалга оширилади. Бу ўринда, жазолаш нафақат бирон-бир санкция шаклида, балки инсонни ҳуқук ва имтиёзлардан маҳрум қилиш шаклида ҳам намоён бўлишига ётибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, жазолаш билан таҳдид қилиш кўп сонли ва турли туман шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ҳусусан, жисмоний тазиқ ўтказиш ёки эркини чегаралаш, ҳатто жабрдийдага ёки унинг яқинларига ўлим билан таҳдид қилиш кабилар мажбурлаб ишлатишнинг энг кескин кўринишлари бўлиши мумкин. Шунингдек, мамлакатда ноқонуний мақомда фаолият юритаётган мигрантларни ҳукуматнинг ваколатли органларига топшириш таҳдида билан маълум бир ишларни бажаришга мажбурлаш ҳолатларини ҳам келтириш мумкин. Жазолаш таҳдидининг айрим кўринишлари молиявий ҳусусият касб этиши ҳам мумкин. Жумладан, ходимга меҳнат шартномасида ёки қонун ҳужжатларида кўзда тутилган иш вақтидан ташқари вақтда ишлашини рад қилган ҳолатларда ишдан бўшатиш таҳдида билан иш ҳақини тўламаслик. Ушбу ҳолатда, мажбурий меҳнат тушунчасининг иккинчи элементи – ихтиёрий равиша ўз хизматини тақдим этмаслик ҳолатини ҳам кўришимиз мумкин.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида эса “мажбурий меҳнат” тушунчасига таъриф дастлаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасида берилган. Унга кўра, “**мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади**”<sup>6</sup>. Мазкур таъриф қисман 29-Конвенцияда келтирилган таърифга мос келади. Шунингдек, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”-ги қонуннинг 2-моддаси, учинчи хатбошисида мажбурий меҳнат тушунчаси Меҳнат кодексида берилган таъриф билан айнан бир хил мазмунда келтирилган, яъни “Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно”<sup>7</sup>.

Лекин, ётибор берадиган бўлсак, ушбу қонун ҳужжатларида 29-Конвенциядаги таърифнинг муҳим элементи – шахснинг ихтиёрий ра-

вишда ўз хизматларини таклиф этмаслик ҳолати мавжуд эмас. Миллий қонунчилиқдаги мазкур камчилик ҳуқуқни кўллаш амалиётида, хусусан, мажбурий меҳнатнинг кўлланилиши ҳолатлари учун белгиланган жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиша ноаник ва нотўғри талқин қилинишга олиб келиши мумкин.

Меҳнат кодексида берилган таърифда, мажбурий меҳнатга жазолаш билан таҳдид қилиш шаклларидан бири бўлган меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида жалб қилиш тақиқланиши қайд этилган. Ваҳоланки, Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-Конвенциянинг (кейинги ўринларда – 105-Конвенция) 1-моддасида, “ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни тугатиш ва унинг ҳар қандай шаклларини ишлатмаслик ҳамда қўйидаги ҳаракатлар сифатида кўлламаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) амалдаги сиёсий, ижтимоий ёки иқтиносидий тизимга зид сиёсий қараашлар, ёки мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёки ифодаланиши учун сиёсий таъсир, ёки тарбия воситаси ёки жазо чораси сифатида;
- b) иқтиносидий тараққиёт эҳтиёжлари учун иш кучини сафарбар этиши ва ундан фойдаланиши усули сифатида;
- c) меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида;
- d) иш ташлаш ҳаракатларида қатнашганлик учун жазолаш чораси сифатида;
- e) ирқий, ижтимоий, миллий мансублик ёки диний эътиқод белгилари бўйича камситиш чоралари сифатида”<sup>8</sup>.

Россиялик тадқиқотчи В.П.Мошняганинг таъбири билан айтганда, “Мазкур Конвенция зўраки

ёки мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклидан сиёсий тазийқ үтказиш, тарбиялаш, сиёсий ва мафкуравий қараашлари учун жазолаш, меҳнат ресурсларини сафарбар этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш ташлашларда иштирок этганлик учун жазолаш чоралари сифатида фойдаланишини тақиқлайди”<sup>9</sup>.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, юқорида келтирилган ҳаракатлар, авваламбор, давлат томонидан кўлланиладиган ҳолатлар ҳисобланади. Бунга, 105-Конвенция қабул қилиниши учун эҳтиёжни вужудга келтирган Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги дастлабки даврлардаги мафкуравий, сиёсий ва бошқа мақсадларда мажбурий меҳнатдан оммавий равишда фойдаланиш ҳолатларининг кўпайганлиги сабаб бўлган.

Меҳнат кодексида 105-Конвенцияяда мустаҳкамланган мажбурий меҳнат шаклларидан фақат биттаси – меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида иш бажаришга мажбурлашнинг тақиқланишини мазкур ҳолатнинг асосан ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатларига тааллуқлилиги билан изоҳлаш мумкин. Бу эса, шубҳасиз, меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар ҳисобланади.

Шунингдек, 29-Конвенциянинг 2-модда, 2-бандида “зўраки ёки мажбурий меҳнат” сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар келтирилган бўлиб, уларнинг рўйхати Меҳнат кодексининг 7-моддаси, иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар билан деярли ўхшаш. Аммо, мазкур хужжатларнинг қиёсий таҳлили миллий қонунчилик нормаларининг бу масалада сезиларли камчиликларга эга эканлигини кўрсатди.

Хусусан, 29-Конвенциянинг 2-модда, 2-банди, а) кичик бандида қўйидаги норма мустаҳкамланган: “мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар кучига кўра талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга кўлланиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат мажбурий меҳнат ҳисобланмайди”.

Худди шу мазмундаги норма Меҳнат кодексининг 7-моддасида қўйидагича қайд этилган: “ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.”

Ушбу икки ҳолатда ажралиб турган масала, яъни 29-Конвенцияда келтирилган “ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишлар”нинг мазмунига миллий қонунчилик хужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунида ҳам, ҳарбий хизматни ўташ тартибига оид бошқа қонун хужжатларида ҳам ҳуқуқий баҳо берилмаган. Мазкур конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинганлиги ва унинг талабларини бажариш миллий ҳуқуқ тизими субъектлари учун



мажбурий эканлиги нуқтаи-назаридан келиб чиқсак, қонун ҳужжатларида унинг мазмунни аниқлаштириш, ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида бажарилиши лозим бўлган “ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишлар”нинг рўйхатини қатъий белгилаш лозим бўлади. Акс ҳолда, ҳарбий хизматни ўтовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш ҳолатларига ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳаққоний ҳуқуқий баҳо бериш мураккаблашади.

Шу билан бирга, 29-Конвенциянинг 2-мода, 2-банди, b) ва e) кичик бандиларида миллий қонунчиликда кўзда тутилмаган ва мажбурий меҳнат сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар ҳам келтирилган:

*“b) тўла ўзини-ўзи бошқарадиган мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиласидан ҳар қандай иш ёки хизматни;*

*е) жамоанинг майдага хизматларини, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун шу жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишларни, фақат ушбу жамоа аъзолари ёки унинг бевосита вакиллари шу ишларининг мақсадга мувоғикилиги бўйича маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга бўлиши шартни билан<sup>10</sup>.”*

Мазкур иккита ҳолатда асосий урғу мамлакат фуқароларининг қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган фуқаролик бурчлари ҳисобланадиган ишларни амалга оширишлари мажбурий меҳнат ҳисобланмаслигига қаратилмоқда. Шубҳасиз, фуқароларни бундай мазмундаги ишларга жалб этишда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиниш талаб қилинади.

Шу ўринда, миллий қонунчиликда “жамоанинг майдага хизматлари” тушунчасининг мавжуд эмаслиги бундай турдаги ишларга фуқароларни жалб қилиш уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур масалага ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда фуқароларни бундай турдаги ишларга жалб қилиш тартибини қонун ҳужжатларида, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига тегишли қўшимчалар киритиш орқали мустаҳкамлаш лозим.

“Мажбурий меҳнат” тушунчасининг ҳуқуқий табиати юзасидан миллий қонунчилик ва ҳалқаро-ҳуқуқий стандартлар таҳлили асосида қуидаги хуносаларга келишимиз мумкин:

**Биринчидан**, “мажбурий меҳнат” тушунчасига таъриф дастлаб ХМТнинг 1930 йилда қабул қилинган “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбу-

рий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция”сида берилган бўлиб, анчайин кенг мазмунга эга ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда мазкур тушунча Мехнат кодексида мустаҳкамланган бўлиб, унга берилган таърифда муҳим элемент – шахснинг ихтиёрий равишида ўз хизматларини таклиф этмаслик ҳолати кўзда тутилмаган. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мажбурий меҳнатнинг қўлланилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беришда бирёклама ёндашувга олиб келади.

**Иккинчидан**, ХМТ конвенцияларида мажбурий меҳнатни қўлланиш шаклларининг бағафсил рўйхати белгиланган бўлиб, миллий қонунчиликда эса фақатгина битта шакли - меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида иш бажаришга мажбурлаш тақиқланиши мустаҳкамланган.

**Учинчидан**, мажбурий меҳнат сифатида баҳоланмайдиган иш ва хизматларнинг рўйхати ҳалқаро конвенцияларда ҳам, миллий қонунчиликда ҳам кўзда тутилган бўлишига қарамай, миллий қонун ҳужжатлари аксарият ўринларда мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган ҳалқаро шартномалар нормаларига муовфик келмайди.

**Тўртминчидан**, мажбурий меҳнат бўйича ҳалқаро ҳуқуқий стандартлар миллий қонунчиликнинг шаклланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатганлигини эътироф этган ҳолда, ушбу стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишда қонун ижодкорларимиз томонидан ҳалқаро-ҳуқуқий нормаларнинг мазмун ва моҳиятига тўлақонли ҳуқуқий баҳо берилмаган. Мажбурий меҳнат тушунчаси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фақат меҳнат ҳуқуқи доираси билан чекланиб қолган.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.unic.ru/event/2018-12-02/v-mire/40-mln-chelovek-zhertvy-razlichnykh-form-sovremenennogo-rabstva>
2. Мазкур маъруза билан ХМТнинг расмий сайтида танишиш мумкин: [www.ilo.org/declaration](http://www.ilo.org/declaration)
3. <http://www.unic.ru/event/2019-06-20/v-mire/tanzila-narbaeva-ratifikatsirovat-konventsiju-poldela-glavnoe-izmenit-otnoshen>
4. ХМТ конвенцияларининг инглиз тилидаги асл матнида мазкур тушунча «forced labour» ва «compulsory labour» шаклида қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/docs/2741079>
6. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/>
7. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/>
8. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/docs/2686384>
9. Мошнғя В.П. Международный опыт социальной политики и социальной работы. Курс лекций. – М.: Изд-во Мос.гум.ун-та, 2006
10. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/docs/2741079>



**Раҳимжон ОБИДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари  
Академияси катта  
ўқитувчиси, адлия  
полковниги.

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**“Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва хуқук устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласди, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради”.**

**БМТнинг “Коррупцияга қарши” Конвенциясидан**

Давлат ва жамият тараққиёти учун астойдил меҳнат қилаётган инсонлар билан фақат фахрланишимиз керак. Лекин, айrim кимсалар борки, тўқлилка шўхлик қилиб, ўз вазифаларини сунистеъмол қилган ҳолда, тараққий этиб келаётган давлатимиз мулкига раҳна солаётгандиллари ачинарли ҳолдир [1-6]. Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказаётган энг хавфли иллат – коррупциядир. У айrim ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда”. Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиқсан ҳолда айтиш жоизки, ҳар қандай жиноятчилик маълум бир сабаб ва шарт-шароитлар таъсирида вужудга келади. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи сабаблар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ҳамда чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишда коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш самара беради. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан бевосита жамият ва инсонлар азият чекади, зарар кўради. Шунинг учун ушбу муаммо глобал бўлиб, унга қарши курашнинг давлатлар ўртасида

мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа хуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилганлиги бејиз эмас.

Коррупция сўзи лотинча “corruptio – айниш, порага сотилиш” маъносини англатиб, мансабдор шахслар томонидан уларга берилган хуқук ва имкониятлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишни ифодаловчи сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунлади. Коррупция жиноят қонунчилигига ўзи мустақил жиноят таркиби бўлмай, балки бир қатор мансабга оид жиноятларни қамраб оловчи умумлашган тушунчадир.

Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейиллади. Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, коррупция давлат аппарати ва парламент фаолиятида айниқса, авж олади. Сайланадиган лавозимларга номзодлар сайлов компаниясини ўtkазиш ҳаражатларини кўтариш коррупциянинг кўринишларидан биридир (сайланган киши турли имтиёзлар, ёрдам, хизматлар кўрсатиб ўз “қарзини” қайтаради). Аксарият коррупция лоббизм (монополияларнинг қонунчилик органлари ва амалдорларга тазийик ўtkазиш билан шугулланадиган муассаса ва агентлари тизими) билан боғланган. Халқаро даражада 1970 йилларда Японияга самолётлар сотишда компания томонидан олий давлат амалдорларини сотиб олиш бўйича “Локхид иши” энг йирик коррупция кўринишлари га мисол бўлади. Порани хаспўшлаш учун йирик битишувларда кўпроқ “хизмат ҳақи” тўлаш амалиётидан фойдаланилади.

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Жиноят қонунчилигига коррупция – мансаб, мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури ҳисобланади. Коррупция фаолияти хуфиёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик ортириш мақсадида ҳалқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини кўлга киритиш тушунилади. Аммо, умуман олганда, мансабдор шахсларгина эмас, балки, давлат ташкилотида ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши, пора эмас, балки бошқа нарсалар эвазига ўз эҳтиёж ва манфаатларини ҳам амалга оширишлари мумкин. Дарҳақиқат, коррупция илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодиса. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурӣ-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилишини тақозо этади.

Хусусан, унинг таркибига мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш, бериш ва бошқа бир қатор жиноятлар киради.

Таъкидлаш лозимки, коррупция, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлашга монелик қилиб, ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Эркин бозор иқтисодиётининг ривожланишига, ҳаёт даражасининг пасайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда коррупция фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган



ишончи йўқолишига олиб келиб, ушган жиноятчиликнинг авж олишига замин яратади ва инсонларнинг хавфсизлигига таҳдид солади.

Шунинг учун ҳам демократик давлатларда коррупция ривожланиш ва янгилашишнинг илдизига болта урувчи хавфли иллат сифатида тан олиниб, тизимли равишда унга қарши кураш олиб боришни тақозо этади.

Бу борада 2003 йил 31 октябрда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинган бўлиб, унга 160 дан ортиқ давлат аъзо бўлган. Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига 2008 йилда қўшилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясида кўзда тутилган мақсадларидан асосийлари шуки, амалда коррупциянинг самарали олдини олишга ёрдамлашиш, бу борада ҳалқаро ҳамкорлик ва техник ёрдамни рағбатлантириш, қўллаб-куватлаш, енгиллаштириш, шу жумладан, молиявий маблағларни қайтариш, ижтимоий фаолият, ижтимоий мулкни бошқаришда ҳалоллик, поклик ва ростгўйликни рағбатлантириш ҳамда ёқлашдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жуда кўплаб маъруза ва чиқишлиарида лоқайдлик, бепарволик, по-рахӯрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатини сунистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланниши кераклиги тўғрисида гапирадилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддиларига асосий вазифа сифатида белгилаб берди. Жамият тараққиёти кушандаси бўлган ушбу иллатга қарши курашиш йўли-

да аёвсиз кураш олиб борилаётгани ўзининг самарасини бермоқда.

Айниқса мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш 2016 йилнинг октябрь ойидан бошланди. Шу йилнинг 13 декабряда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг конституциявий ташаббуси асосида “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонун Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиб, 2017 йил 4 январдан бошлаб кучга кирди. Мазкур қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солиш, давлат бошқарув органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши кураши юзасидан кўраётган чора-тадбирлар самародорлигини ошириш, фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга тоқат қилмаслик муҳитини яратиш кўзда тутилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралароро комиссияси тузилди. Қонунчилик асосида “2017-2018 йилларда коррупцияга қарши кураш бўйича Давлат дастури” тасдиқланди, унда қўйилган аксарият вазифалар амалга оширилди. Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам муҳим хуқуқий хужжат бўлди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва бундай қилмишни содир этган шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, мамлакат ривожи ва фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда бундай қабих жиҳоятларни содир этаётганлар ҳам учраб турибди. Хулоса қилиб айтганда ҳар бир қонунга хилоф ҳаракат учун жазо муқарарлар бўлиб, коррупцияга қарши курашишда барчамиз масъулмиз.

Коррупциянинг салбий оқибатлари – Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, хуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради.

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида хуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш вазифаларини бажаришда:

аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.



# ЖАМОАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИГА ОИД ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

*Ривожланган хорижий давлатларда атроф мұхитта таъсир күрсатиши мүмкін бўлган қарор қабул қилишда жамоатчилик фикри ҳал қилувчи омил саналади. Умуман олганда, жамоат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ҳалқаро амалиёт хорижий мамлакатларда унинг тарихий, маданий, назарий-хуқуқий асослари кўлами кенгроқ эканлигидан далолат беради<sup>1</sup>.*

Хусусан, АҚШ ва Европа мамлакатларида жамоат назоратини амалга оширишда волонтерлар ҳаралтлари, жамоатчилик ташаббуслари, овоз бериш, жамоат мухокамаси, петициялар, жамоат экспертизлари, журналистик текширувлар, референдумлар ўта мұхим аҳамият касб этади. Айни пайтда, Фарб мамлакатларида бевосита “жамоат назорати” сўз бирикмасидан деярли фойдаланилмайди<sup>2</sup>.

АҚШда Фарбий Европанинг аксарият давлатларида сингари жамоат экологик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ўрни ва иштироки жуда мұхим хисобланади. АҚШда ҳозирги вақтда фуқаролик назоратининг уч хил шакли кенг амал қиласди:

- 1) фуқаролар кузатув кенгаши (*citizen review board*);
- 2) фуқаролар кузатуви (*citizen oversight*);
- 3) фуқаролар мустакил аудити (*independent citizen audit*).

АҚШда у ёки бу ташкилий-хуқуқий шаклда 90 га яқин фуқаровий назорат органлари фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, фуқаровий экологик назоратдан ташқари, куролли кучлар, маҳсус хизмат органлари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари устидан жамоат назорати органлари ташкил этилган.

Жамоат экологик назорати субъекти сифатида фуқаролар АҚШда “хуштакчилар” деб номланади. Масалан, “хуштакчи” (фуқаро) экологик талаблар бузилиши тўғрисида ваколатли органларга хабар беради. Табиийки, бундай фаолият, башарти у тўғри тартибга солинса, барча учун фойдали бўлади. Ижтимоий ва экологик жиҳатдан масъулиятли давлат ўз экологик функцияларини бажариш самарадорлигини ошириш мақсадида табиатни мухофаза қилиш ишига жамоатчиликни, шу жумладан, назорат шаклида ҳам жалб қиласди.

АҚШда ҳам 60-йилларнинг сўнгига табиатни мухофаза қилиш қонунчилигини анъанавий мажбурлов тусидаги хуқуқий воситалар ёрдамида реализация қилишда қийинчиликларга дуч келингач, мамлакатда ушбу қонунчиликка риоя этилиши



ODILLIK  
MEZONI

Онгарбай УТЕГЕНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Божхона қўмитаси  
Божхона институти  
доценти, юридик  
фанлар номзоди.

устидан жамоат ва унинг алоҳиди аъзолари томонидан назоратнинг янги механизмларини жорий этиш зарурияти тушуниб етилди<sup>3</sup>.

Натижада, 70-йилларнинг бошида атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда узоқ давом этган мунозаралар натижасида фуқароларга “Тоза ҳаво тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этилмаган тақдирда судга даъво билан мурожаат этиш хуқуқи берилди. Американинг “фуқаролар даъвоси” институтининг ўзига хос хусусияти шундаки, фуқаролар бундай даъво доирасида шахсан унга ёки бошқа бирорга етказилган заарни қоплашни талаб қила олмайдилар. Бундай заарни қоплаш бошқа даъволар асосида таъминланади.

Америкада “фуқаролар даъвоси” институти атроф мұхитни мухофаза қилишнинг хуқуқий механизмига жамоатчиликнинг атроф мұхит ҳолати ва қонунчилик бажаралишини таъминлаш устидан жамоатчилик назорати шакли ва юридик воситаси сифатида жорий этилиб, у авваламбор, фуқароларнинг хавфсиз атроф мұхитта бўлган хуқуқларини таъминлашга қаратилган<sup>4</sup>.

Шунингдек, АҚШда қонун чиқарувчи ушбу институт самарадорлигини ошириш мақсадида фуқароларнинг ушбу соҳадаги фаоллигини моддий рағбатлантириш имконини кўзда тутганлиги алоҳиди эътиборга молик. Яъни, суд қарорига кўра, фуқароларга уларнинг меҳнати учун давлат бюджети хисобидан ҳақ тўланиши мүмкін.

АҚШлик хуқуқшуносларнинг баҳоларига кўра, фуқароларнинг судга даъвоси – табиатни мухофаза қилиш учун курашнинг энг кучли воситаси бўлиб, унинг ёрдамида оддий фуқаролар саноат ва хукумат доирасидаги рақиблари билан тенгма-тeng беллашиб, уларни умуммажбурий қоидаларга амал қилишга мажбур қилиши мүмкін<sup>5</sup>.

АҚШлик атроф мұхит хуқуқи бўйича профессор Роберт Блумквист мажозий маънода айтганидек, хуқуқка ушбу институтнинг жорий этилиши билан фуқаролар ижроия ҳокимият тармогини қистовга

олувчи исковуч ва сўнага, улар хукукбузарларга жарима солишини талаб қилиш хукуқига эга бўлган ҳолларда эса, улар ҳақиқий прокурорга айланмоқдалар<sup>6</sup>. АҚШда уларни яна “соқчи итлар” (“watchdogs”) деб ҳам атайдилар<sup>7</sup>. Ушбу мамлакатда фуқаролар шикояти айнан атроф мұхит соҳасида кенг қўлланилиши бошқа манбаларда ҳам тан олинган<sup>8</sup>.

Америкада жамоат назорати, шу жумладан, жамоат экологик назорати тизимида волонтерлик фаолияти ва коллаборация (аниқ қўйилган мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган фуқаролар ўюшмасининг маҳсус тури бўлиб, биргаликда барча мумкин бўлган воситалар: технологиялар, малака, ахборот ва бошқалардан фойдаланиб, қўйилган мақсадга эришишга қаратилган бўлади) алоҳида ўрин тутади. Волонтерлик фаолияти кўлами жуда кенглигини 2012 йил маълумотига кўра, АҚШ аҳолисининг тўртдан бир қисми (тахминан 64,5 млн. киши) иختиёрий равишда волонтерлик лойиҳаларида қатнашиб келаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Айни дамда фуқаролар ўзлари ҳам волонтерлик фаолиятини ташкиллаштиришлари мумкин.

АҚШда жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг қонуний кафолатлари сифатида бир қатор умумий қонун хужжатларини, шу жумладан, 1966 йилдаги “Ахборот эркинлиги тўғрисида”ги Қонунни (The Freedom of Information Act – FOIA) кўрсатиш мумкин. Унга кўра, норматив-хукуқий хужжатларни қабул қилишда давлат органларининг мажlisлари очиқ бўлиши керак, шунингдек, давлат органлари ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисоботларини чоп этишлари лозим ва ҳ.к. Айнан экология соҳасида фуқаро назоратининг шакллари “Тоза сув тўғрисида”ги (Clean Water Act), “Хавфсиз ичимлик суви тўғрисида”ги (Safe Drinking Water Act), “Тоза ҳаво тўғрисида”ги (Clean Air Act 1970), “Ресурслар консервацияси ва уларни қайта тиклаш тўғрисида”ги (Resource Conservation and Recovery Act), “Экологик жавобгарлик ва компенсация тўғрисида”ги (Comprehensive Environmental Response, Compensation, and Liability Act), “Ер қаъри юзаси назорати ва рекламация тўғрисида”ги (Surface Mining Control and Reclamation Act of 1977) ва бошқа қонун хужжатларида (Endangered Species Act of 1973, Emergency Planning and Community Right To Know Act of 1986) ўз аксини топган<sup>9</sup>.

Юқоридагилардан ташқари жамоат назоратининг Интернет лойиҳалари ҳам катта қизиқиш уйғотади. Масалан, қонун ижодкорлиги фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш имкони кўзда тутилган – Оқ уй сайтида онлайн-петицияларга бағишлиланган “We the people” бўлими фаолият кўрсатади<sup>10</sup>. Икки босқичли ушбу тизим муайян масала, шу жумладан, экологик масала юзасидан биринчи босқичда 30 кун ичida 150 ва иккинчи босқичда яна шунча мухлат ичida 100 минг имзо тўпланса, Оқ уйдан ушбу масала бўйича расмий жавоб олиш хукуқини беради.

**Европа Иттилоқи доирасида жамоат назоратининг тўрт асосий шаклини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:**

**1) жамоат бирлашмалари ва фуқаролар сўрови.** Европа Иттилоқи мамлакатларида жамоат бирлашмаларининг таклиф ва шикоятларини ўрганишига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 2012 йил май ойидан бошлаб, “Европада фуқаролар ташаббуси” (The European Citizens Initiative –ECI) тизими ўйлга қўйилган бўлиб, у Европа Иттилоқининг камида тўртдан бир давлатларида истиқомат қилувчи бир миллион аҳоли томонидан кўллаб-куватланган ташкилий ёки хукуқий таклиф ёхуд мурожаатни Еврокомиссияга кўриб чиқши учун киритишни кўзда тутади. Комиссия таклиф ёки мурожаатни кўриб чиқиб, тегишили қарор қабул қиласди ёхуд уни рад қиласди. Илк маротаба ушбу талаблар асосида бир миллион овозни 2013 йил марта сув ва канализацияни инсон хукуqlари доирасига киритишни таклиф қилувчи “Сувга бўлган хукуқ” лойиҳаси тўплади<sup>11</sup>. Ушбу тизим доирасида инсон эмбрионларини илмий тадқиқотларда фойдаланишини таъқиқлаш, ЕИда олий таълим муаммоларини енгиллаштириши, иқтисодий инқироз даврида иқлим ва энергияни нисбатан ҳаракатларни мақбуллаштириши бўйича ва бошқа ижтимой-иқтисодий, шу жумладан, экологик лойиҳалар тасдиқланган;

**2) жамоатчилик маслаҳатлашувлари** – хукумат лойиҳаларини шарҳлаш ва баҳолаш имконини беради. Улар ё хукумат аъзолари (қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини билиш мақсадида) ёки бевосита фуқаролар ташаббуси (ҳаракат ёки норматив-хукуқий хужжат бўйича ўз фикрларини билдириш учун) билан ўтказилиши мумкин. Жамоатчилик маслаҳатлашувлари нисбатан қисқа фурсатларда ўтказилиши кўзда тутилади – барча таклиф ва тавсиялар белгиланган муддатга қадар тақдим этилиши лозим. Жамоатчилик маслаҳатлашувлари очиқ эшишувлар (барча манфаатдор тарафлар учрашви) жамоатчилик вакиллари иштирокидаги ётиқ эшишувлар, манфаатдор томонлардан иборат фокус-гурухлар ёхуд ёзма шаклда (шу жумладан, интернет орқали) амалга оширилиши мумкин;

**3) форумлар** – турли хил сиёсий масалалар юзасидан жамоатчилик вакиллари, эксперталар ва хукумат аъзолари томонидан биргаликда қарор қабул қилиш жараёнини таъминловчи муҳокама майдони. Форумлар воркшоплар, конференциялар, фуқаролар ҳайъати ва бошқалар шаклида ўтказилиши мумкин. Сўнгги икки шаклини ўзида бирлаштирган лойиҳа сифатида “Your Voice in Europe”ни кўрсатиш мумкин<sup>12</sup>. У ЕИ сиёсатини шакллантириш жараёнида

қай тарзда қатнашиши мүмкінлігінің күрсатади. Фойдаланувчи жамоат маслағатлашувлари доиразыда янги ташаббуслар юзасыдан үз фикр-мулоҳазаларни билдириши, Европа келажагини муҳокама қилиши, давлат лойіхалари ва қарорларини бажарыши бүйіча үз эътиrozларини билдиришлари ёки таклифларини киришиләр мүмкін;

**4) ижтимоий тармоқлар орқали интерфаол мұлқот** – жамоатчилек ёки хүсусий соха вакиллари муаммони шакллантириши, шунингдегі, қарорлар қабул қилиши жараённан шитирок этишини күзде тутади. Аксарият холларда фойдаланувчиларининг расмий ташкиллаштырылған тармоғы ёхуд фуқаролар томонидан аниқ муаммони ҳал қилиши мақсадыда ташкыл этилған ижтимоий тармоқ шаклига әзга бўлади. Масалан, экология соҳасыда Атроф мұхит ҳолати устидан кузатув ва ахборот Европа тармоғы фаолият күрсатади<sup>13</sup>. У 39 та мамлакатдан 300 га яқин атроф мұхит масалалари бүйіча миллий агентликларни ва бошқа шитирокчиларни, шу жумладан, алоҳида фуқароларни ҳам бирлаштиради<sup>14</sup>.

Европа Иттифоқида ЕИ Кенгашининг “Ифлосланишни комплекс олдини олиш ва назорат қилиш тўғрисида”ги 1996 йил 24-сентябрдаги ЕС Директивасига (Integrated pollution prevention and control – IPPC) амал қилиб, у ифлосланишнинг комплекс олдини олиш ва назорат қилишнинг умумий принципларини белгилайди; уни амалга ошириш учун зарур чораларни кўзда тутади. Ушбу Директиванинг мақсади бўлиб, ифлосланиш устидан комплекс ёндашувни таъминлаш, яъни, атмосферага, сув мұхитига ёки тупроққа чиқындилар чиқарышнинг олдини олиш, бунда чиқындиларни утилизация қилишни ёхуд бундай чиқындилар чиқарышни кисқартыришни ҳисобга олиш ва шу орқали атроф мұхитни яхлит ҳолда ҳимоя қилишга қаратилган. Чunksи, атмосфера, сув ёки тупроққа чиқындилар чиқарыш бўйича турлича ёндашувларни кўллаш турли табиий мұхитлар ўртасыда ифлосланишларнинг аралашиб кетишига сабаб бўлиши мүмкін. Шундай қилиб, Директивада ифлосланишнин комплекс олдини олиш ва назорат қилишнинг умумий принциплари, уларни амалга ошириш учун чора-тадбирлар мажмуйи белгилаб берилган<sup>15</sup>.

**Германия Федератив Республикасида** ахоли ташаббуси билан атроф мұхитни мұхофаза қилиш – муниципалитет, ерлар ҳокимияти ва федераль марказ сиёсатининг устувор йўналишидир. Германияда давлат органлари томонидан жамоат бирлашмаларини кенг ва ҳар томонлама қўллаб-куватланиши улар ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади. Жамоатчилек ва ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигининг мұхим элементларидан бири бу – жамоат экологик кенгаш ва органлари бўлиб, улар партия ташкилотлари ва

тегишли депутатлик гурухлари, обербургомистр, табиатни мұхофаза қилиш идоралари ва ҳаттоқи федерал канцлер ҳузурида ҳам фаолият кўрсатади<sup>16</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон тажрибасыда ҳокимият органлари ҳузурида жамоатчилек кенгашлари тузиш амалиёти ҳам кенг кўлланилади. Турли давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиб, жамоатчилек кенгашларини шакллантиришнинг уч асосий йўли кўзда тутилганлиги тўғрисида тўхтамга келиш мүмкін:

**биринчидан**, жамоатчилек кенгаши аъзолари сайланади;

**иккинчидан**, жамоатчилек кенгаши аъзолари ҳокимият органдан тайинланади;

**учинчидан**, жамоатчилек кенгашига аъзолик хабардор қилиш тартибида амалга оширилади.

Шундай бўлсада, кўпчилик давлатларда араштар тартиб ҳам амал қиласи, яъни жамоатчилек кенгашининг бир қисм аъзолари сайланади, қолганлари тайинланади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зеленцов А.Б. Контроль за деятельностью исполнительной власти в зарубежных странах: Учебное пособие. – М.: Изд-во РУДН, 2002. – С.8.
2. Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – С. 132.
3. Захарченко Т.Р. Некоторые вопросы права окружающей среды США. – Киев, 1992.
4. Захарченко Т.Р. Некоторые вопросы права окружающей среды США. – Киев, 1992. – С. 59.
5. Закон охраняет природу//Америка. – 1992. – №422. – С. 15.
6. Robert H. Blomquist. Rethinking the Citizen as Prosecutor Model of Environmental Enforcement under the Clean Water Act: Some Overlooked Problems of Outcome //Independent Values. Georgia Law Review. – 1988. – Р. 368.
7. Бринчук М.М., Бортник И.Ю. Экологический контроль: понятие, виды, место в правовом механизме, проблемы // Проблемы в российском законодательстве. – 2010. – №1. – С. 128.
8. Citizen Suits: The Teeth in Public Participation, 25 Envtl. L. Rep. (Envtl. L. Inst.) 10141 (Mar. 1995), [http://www.tulane.edu/~telc/assets/articles/Citz%20Suits%20Teeth-ELR\\_95.pdf](http://www.tulane.edu/~telc/assets/articles/Citz%20Suits%20Teeth-ELR_95.pdf); Jeffrey G. Miller & Environmental Law Inst., Citizen Suits: Private Enforcement of Federal Pollution Control Laws (1987).
9. Интернет сайти: [https://en.wikipedia.org/wiki/Citizen\\_suit](https://en.wikipedia.org/wiki/Citizen_suit); Холмюминов Ж.Т. Экологик назорат хорижий давлатлар тажрибасыда //Ҳукуқ ва бурч – [www.huquqburch.uz/uz/view/2962](http://www.huquqburch.uz/uz/view/2962)
10. АҚШ Оқ уйи расмий веб сайти: [www.petitions.whitehouse.gov/how-why/terms-participation](http://www.petitions.whitehouse.gov/how-why/terms-participation).
11. “Европада фуқаролар ташаббуси” расмий веб сайти: [www.ec.europa.eu/citizens-initiative/public/initiatives](http://www.ec.europa.eu/citizens-initiative/public/initiatives).
12. “Your Voice in Europe” лойиҳасининг расмий веб-сайти: [www.ec.europa.eu/yourvoice](http://www.ec.europa.eu/yourvoice) (2019 йил)
13. Атроф мұхит ҳолати устидан кузатув ва ахборот Европа тармоғи расмий веб сайти: [www.eionet.europa.eu](http://www.eionet.europa.eu) (2019 йил)
14. Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – С.134-138.
15. Файерстоун Дэвид Б. Введение в экологическое право / Дэвид Б. Файерстоун, Фрэнк С. Рид; Пер. с англ. под ред. А.Л. Резникова. – Петрозаводск: Verso, 2002. С. 97-98.
16. Веселов А. Германия – Россия: экология без границ [Электронный ресурс]// [www.top.oprf.ru/blogs/263/8244.html](http://www.top.oprf.ru/blogs/263/8244.html)



**Абдуқаюм МАҲҚАМОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Қашқадарё вилояти  
судининг раиси.

## ХАЛҚ НАЗАРИ ҚУДРАТЛИ...

*Айни пайтда республикамиздаги барча судьялар мустақил суд ҳокимиятининг том маънодаги аъзоларидир ва уларнинг юксак мақомига муносаб шароит ҳамда имкониятлар яратилди.*

*Судьялик лавозимгина эмас, у энг аввало, инсонийликдир. Судьянинг одоб-ахлоқи, хулқ-атвори этикаси устуворликларини қолипга солиб, қатъий кетма-кетликда ифодалаб бериб бўлмайди.*

Судья қонунларни мукаммал билиши ҳамда муқаддас тутиши ва уларга доимо, ҳар бир ишда қатъий риоя этиши шарт. Судья ўзида чинакам ватанпарварлик туйғусини тарбиялаши, Ватанга ва халқقا бўлган садоқатини ҳар бир ҳаракатида намоён қила билиши, фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги масъулиятини юрак-юракдан ҳис эта билиши, судьялик қасамёдига доимо содик қолиши, ўз мажбуриятини адолатли, тезкор, вижданан ва профессионал даражада бажариши зарур.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди томонидан алоҳида Фармойишга асосан вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари ва суд ходимларининг ишларни самарали ташкил этиш, намунали фаолият юритаётган судьялар ва суд ходимларини аниқлаш ҳамда уларни муносаби рабbatлантириш, лавозимига илк марта тайинланган судьяларда ва суд соҳасига янги ишга қабул қилинган ходимларда одил судлов соҳасига оид кўнікмаларни ҳосил қилиш, суд процессини ўтказиш тартибини мукаммал ўргатиш, уларнинг иш фаолиятларини намунали ташкил этишларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳорат мактаби — “Мастер класс” машгулоти тадбирларини ўтказиш ташкил қилинди.

Судьяларнинг ва суд ходимларининг назарий билимларини юксалтириш мақсадида “Суд билимдони” тадбири ўтказилди. Бу тадбир икки йўналишда: “Суд билимдони — судья” ва “Суд билимдони — суд ходими” кўринишида “0” дан “100” гача бўлган баҳолаш балл тизимида судья ва суд ходимларининг нафакат Жиноят, Жиноят-процессуал қонунчиликдаги ёки Олий суд Пленуми қарорлари бўйича назарий билимларини синовдан ўтказиши, шунингдек уларнинг

Ахборот технологияси, Компьютер технологияси ва Электрон ҳукумат соҳасидаги билимларини ҳам Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида тест топшириш орқали синовдан ўтказишни назарда тутди.

Асосий мақсад эса, судья ва суд ходимларининг ўз фаолиятларини амалга оширишда уларни соҳанинг етук мутахассислари бўлиб этишишлари учун кўмаклашиш орқали хизматлари давомида халқаро стандартларга мос равишда шакллантириб боришдан иборат қилиб белгиланди.

Мазкур “Мастер класс” тадбирлари ўтган йили ҳам ўтказилган бўлиб, жорий йилда бу тадбирни ўтказишга мутлақо бошқача ёндашилди ва судья ҳамда суд ходимларининг назарий билимларини ҳам юксалтириш мақсад қилинди.

Дастур ижросининг халқаро стандартларга мослигини ва жозибадорлигини таъминлаш мақсадида судьялар (аёллар ва эркаклар) “Мастер класс” машгулотларини судья либосида (мантияда) ҳамда давлат айловчиси тариқасида ишда иштирок этадиган прокурорлар, шунингдек ишда иштирок этадиган ҳимоячилар ҳам халқаро нормаларга мос келадиган маҳсус либосда (кийимда) ўтказиш тартиби жорий этилди.

Тадбир якунлари бўйича биринчи, апелляция, кассация инстанцияларида суд процессини энг намунали ўтказган судьялар, энг намунали давлат айловчиси, ҳимоячи, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчининг қонуний вакили, шунингдек, энг намунали суд раиси, девонхона мудири, архив мудири, суд мажлиси котиблари, ҳамда суд билимдонлари каби 40та номинация бўйича голиблар аниқланди.

Бизга маълумки, суд жараёнининг маданияти, унинг тарбиявий вазифаси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, суд жараёни шахснинг ахлоқий тарбияси қайта шаклланишини таъминлашга қаратилган одил судловнинг самарали ҳуқуқий шаклларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, суд мажлисида судья процессуал қонун билан берилган ваколатидан жуда устамонлик билан фойдаланиши лозим бўлади. Судья ўз муносабати билан бирон-бир кишини ранжитиб қўйиши, уларнинг шахсига ёки нафсониятига тегиши, судьянинг ҳаракатлари суд жараёнининг у ёки бу иштирокчи сига қараб ижобий ёхуд салбий кўринишида бўлиши мумкин эмас.

Ҳақли савол туғилади, нима учун “Мастер класс” тадбирлари давомида намунали давлат айловчиси, ҳимоячи ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчининг вакили каби номинациялар ҳам киритилди ва бу вазифалар нима учун айнан судьялар томонидан бажарилди?

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 25-моддаси “Судда ишларни юритишда тортишув” деб номланади.

Бу моддада иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилади ва айнан бир орган зиммасига юклатилиши мумкин эмас дейилган. Судда тарафлар ўзаро тортишиши керак, тарафларнинг ҳар бири ўзининг позициясини исботлаб берishi керак, суд эса судда аниқланган ва тўпланган далилларга асосан ҳеч бир тарафга ён босмаган ҳолда иш юзасидан тўпланган далилларга холисона баҳо бериши керак.

Маълумки, судья суд жараёнида давлат айловчиси, ҳимоячи, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчининг вакили билан бевосита мулоқотда бўлади. Тарафларнинг илтимосномаларини ҳал қиласи, баъзан суд жараёнида иш юзасидан ҳар хил тортишувлар ва келишмовчилик ҳолатлари учраб туради. Бундай вазиятларни бартараф этиш судьянинг салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айнан шу жараёнда, судья ўзини йўқотмаслиги, хотиржам, қонун моҳиятига мос равишда тутиши, ҳеч қандай ҳиссийтларга берилмаслиги, судьялик маданиятини юқори даражасини намоён эта билиши лозим бўлади.

Маҳорат мактаби “Мастер класс” тадбирлари давомида айнан ушбу вазифаларни бевосита фаолият олиб бораётган судьялар томонидан бажарилиши, судьяда давлат айловчиси, ҳимоячи, жабрланувчининг қонуний вакили ва суд жараёнининг бошқа



иштирокчиларининг фикрини эътиборсиз қолдириш мумкин эмаслигини, бу тарзда иш тутиш қонунга риоя қиласли эканлигини англаб етишлари зарурлигига хизмат қиласи.

Дастурни холисона, адолатли, бегараз ўтказиш ва голибларни аниқлаш мақсадида алоҳида режа асосида вилоятдаги олий ўқув юртлари ва Юридик коллеж профессор ўқитувчилари, суд фахрийлари, прокуратура, ички ишлар органи, адвокатлар палатаси, Халқ депутатлари вилоят кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси, Караба уюшмалари федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Маҳалла фуқаролар йигини вакилларидан иборат бўлган ҳайъат аъзолари ташкил этилди.

Шунингдек, алоҳида ишли гуруҳи ташкил қилиниб, бевосита жойларга чиқилган ҳолда ҳамда аноним сўровномаларга асосан намунали суд раиси, девонхона мудири, архив мудири ва суд мажлиси котиблари номинацияси бўйича голиблар аниқланди.

Намунали суд мажлиси котибларини аниқлашда, биринчи, апелляция, кассация инстанцияларида суд мажлиси баённомасини юритиш, жиноят ишини расмийлаштириш, апелляция ва кассация шикояти (протести)ни расмийлаштириш ва суд қарорларини ўз вақтида ва сифатли ижрога қаратиш каби мезонлар ҳам инобатга олинди.

Голиблар дипломдан ташқари ҳар бир голиб бўлган судья ва суд ходимларига китоб ҳам совға қилинди. Зоро, мақсад Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича ташаббуси доирасидаги вазифаларни ҳам амалга оширишга қаратилди.

# СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ

*Интеллектуал мулк объектларини, жумладан селекция ютуқларини тижоратлаштириши масаласи бугунги кунда ижтимоий-иктисодий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иктиносидёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиши механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида бу борадаги мавжуд муаммолар, жумладан олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириши кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қайд этилган ҳужжатда устувор вазифалардан бири сифатида бозорни тизимили равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш лозимлиги белгилаб берилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, селекция ютуқларини тижоратлаштириш бошқа интеллектуал мулк объектларини муоммала-га киритишга қараганда жуда узоқ муддат талаб этадиган, мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади.

Бу жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда нафақат ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, баҳолаш, ҳимоя ва тасаруф этиш, балки ундан фойдаланиш учун ҳам маҳсус рухсатнома олиш талаб этилади.

Селекция ютуқларини ҳимоя остига олиш механизмининг мураккаблиги ва узоқ муддат талаб қилиши, уни интеллектуал мулкни жуда қиммат объектига айлантиради.

Инновацион жараёнларни тижоратлаштириш масаласи ҳозирги кунда тадбиркорликнинг алоҳида бўғини сифатида шаклланиб улгурдики, бундай фаолият пировардида илмий-техника ютуқлари натижаларидан юқори даражада иктиносидий фойда (наф) олиш мақсадини кўзлайди.

Қозогистон Республикасининг бу соҳадаги қонунчилиги шу мамлакат олимлари томонидан тадқиқ қилиниб, селекция ютуқлари ёки патент эгаларининг ҳуқуқлари лозим даражада ҳимоя қилинмагани, бунда селекция ютуқларига дахл қилиш ҳолатларига етарлича маъмурӣ ва жиноий таъқиб белгиланмагани кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Қозогистонда сўнгги йилларда илмни тижоратлаштириш (жумладан қишлоқ ҳўжалиги) бўйича етарли қонунчилик базаси яратилмаган. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш йўлида маҳаллий илм-фан салоҳиятидан фойдаланилмаётганлиги илмий ҳамжамият томонидан танқид қилинган.

АҚШ, Япония, Буюк Британия, Индонезия каби давлатларда илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш мақсадида университетлар ва илмий-текшириш институтлари қошида ишланмаларни лицензиялаш бюоролари ташкил этилган.



Бугунги кунда жаҳонда илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг кенг тарқалган усулларидан бирини лицензиялар билан савдо ташкил қилади. Бунда олди-сотдининг обьектлари бўлиб патентланган ишланмалар, саноат намуналари, селекция ютуклари, ноу-хау ва илмий-техник хужжатлар ҳисобланади.

Беларусь давлати амалиётига мурожаат қилсақ, ҳозирда мамлакатда 13% янги технологиялар яратилган бўлиб, уларнинг асосан хориж бозорларига таклиф қилиниши, қолган қисми эса ички бозорга таклиф қилиниши кузатилади. Шу сабабли лицензия билан савдо қилувчи ташкилотлар лицензия обьектининг рақобатбардошлигини нафоқат ички бозорда, балки ташки бозорларда ҳам ўрганишлари зарур.

Интеллектуал мулк хуқуқларини тижоратлаштиришнинг шакли ва методлари сифатида, иқтисодий муносабатларнинг техник трансферини кўрсатиш мумкин. Бу трансфернинг асосий мақсадлари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- мутлақ янги илмий-техник ишланмалардан фойдаланиш;
- интеллектуал мулк обьектлари, ноу-хау ва техник хужжатларни тижорат асосида мағфаатдор маҳаллий ҳамда хорижий истеъмолчиларга бериш;
- янги ишланмалар ва интеллектуал мулк обьектларини ташкил қилинажак венчур, шўъба ва кўшма корхоналарга инвестиция сифатида киритиш.

Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш институти томонидан ўtkazilgan изlaniш натижасида селекция ютукларини тижоратлаштириш бўйича катта тажриба яратилгани ҳолда, бу борада айрим қийинчиликларга ҳам дуч келинаётгани қайд этилган. Бундай муаммолар қаторида ишлаб чиқарувчиларнинг лицензион шартнома тузишдан бош тортишлари, селекцион материалларнинг хусусиятлари хақидаги маълумотларни яширишлари, атайн уруғларнинг миқдори, экин майдонларининг ҳажмини ошкор қилмаслик орқали патент эгаларига ҳақ тўлашдан бош тортишлари кабилар кўрсатиб ўтилган.

Юқори даражадаги тижоратлашиш АҚШ, Япония ва бир қатор Европа давлатларини технологик лидерлар қаторига киритди. Бинобарин, ушбу давлатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60-70%ни инновацион технологиялар кўлланган соҳалар ташкил этади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инновацион бизнес, жумладан чуқур илмий изlaniшни талаб қилувчи фаолиятини



асосан интеллектуал фаолиятлари патент билан ҳимояланган компаниялар амалга оширади. Чунки Патент портфели, ноу-хау ва бошқа интеллектуал мулк обьектларига эга бўлган компания иши, товар бозорида кучли рақобатга бардош бера олади.

Қайд этиб ўтилганидек, ҳозирда халқаро амалиётда энг кўп тарқалган усул бу – лицензиялар билан савдо қилиш бўлиб қолмоқда. Чунончи, лицензиялар билан савдо қилиш учун асосий шартлар ва талаблар аллақачон шаклланиб улгурган. Интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштиришда асосий ўрин, иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми бўлмиш технологиялар трансферига берилган. Шу йўл билан интеллектуал фаолият натижаларини бошқа шахсга бериш кўзда тутилади.

Олий ўкув ва илмий-текшириш муассасаларида яратилган интеллектуал мулк обьектларини тижоратлаштириш юзасидан куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқидир.

Биринчидан, илмий тадқиқот муассасалари ҳузурида интеллектуал мулк натижаларидан фойдаланишни амалга татбиқ қилувчи марказлар ташкил этиш.

Иккинчидан, интеллектуал мулк обьектлари ва техник хужжатлардан фойдаланиш хуқуқини лицензия шартномаларига асосан учинчи шахсларга ўтказиш.

Учинчидан, мураккаб илмий тадқиқотни талаб қиладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш учун юқори технологияли салоҳиятга эга компанияларни тузиш.

Тўртинчидан, селекция ютукларини тижоратлаштириш соҳасида тор доирадаги мутахассисларни ўқитишини йўлга кўйиш.

Бешинчидан, илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришни қўллаб-куватлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш.

**Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ,**  
юридик фанлар номзоди.



Ахрорбек Эралиев,  
Председатель  
административного  
суда Кибрайского  
района, слушатель  
Высшей школы судей

ODILLIK  
MEZONI

# УМЕНИЕ УПРАВЛЯТЬ ВРЕМЕНЕМ – КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР В РАБОТЕ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ СУДА

*Время – это один из самых дорогих и невосполнимых ресурсов, которым обладаем мы все.*

*Уметь грамотно организовать свое рабочее время и работу своих подчинённых является весьма трудоёмким процессом в любой сфере. Со временем меняется все, обстоятельства, причины, условия труда. Люди меняют свои рабочие места, расширяется круг обязанностей, возрастает нагрузка, ответственность. Но главная задача никогда не меняется – время должно служить вам, подчиняться каждым своим мгновением. Четкое планирование работы со стороны руководителя обеспечит эффективность использования его рабочего времени, что дает возможность восстановить силы после работы для успешного продолжения своей деятельности.*

В судебной системе всем выше указанными процессами руководит председатель суда. Именно от его решений зависит эффективность работы судебной системы на местах.

**Согласно ст. 34. Закона Республики Узбекистан «О судах» председатель суда Республики Каракалпакстан, областного суда, Ташкентского городского суда:**

осуществляет организационное руководство деятельностью суда;

созывает президиум суда и председательствует на его заседаниях;

организует работу по осуществлению контроля за выполнением постановлений президиума суда;

председательствует на судебных заседаниях;

оказывает содействие в организации деятельности соответствующих нижестоящих судов;

организует работу по повышению квалификации судей, других работников суда и народных заседателей;

организует работу по обобщению судебной практики и ведению судебной статистики;

ведет личный прием и организует работу по приему граждан и рассмотрению заявлений и жалоб;

вносит представления в Высшую квалификационную коллегию судей на решения квалификационной коллегии судей;

представляет не реже одного раза в год в Жокарғы Кенес Республики Каракалпакстан, областной, Ташкентский городской Кенгаш народных депутатов информацию о деятельности

суда по осуществлению судебной защиты прав и свобод граждан, а также прав и охраняемых законом интересов предприятий, учреждений и организаций;

организует встречи судей с населением на местах не реже одного раза в месяц, а также через средства массовой информации информирует общественность о деятельности суда;

руководит работой аппарата суда, заключает и прекращает трудовые договоры с работниками суда;

осуществляет иные полномочия в соответствии с законодательством.

Только хорошо подготовленный руководитель, имеющий практические навыки может осилить вышеизложенные функции.

**Исходя из собственного опыта можно выделить более 40 действий, осуществляемых судьями в Республике Узбекистан. Данные действия можно разделить на следующие:**

-Действия, связанные с отправлением правосудия;

-Действия, связанные с проведением правовой пропаганды;

-Действия, связанные с организацией деятельности суда;

-Иные действия.

Выявленный перечень действий судьи не является исчерпывающим. Кроме этого, приведенный перечень может увеличиваться и уменьшаться в зависимости от уровня суда районный, (городской), областной и Верховный суд Республики Узбекистан.

Для того чтобы понять на сколько важно уметь управлять временем давайте в кратце посмотрим дневной график судьи.

Время работы суда: с 09:00 до 18:00. За день судья рассматривает в среднем 15-20 дел. С 09:00 до 17:30 с перерывами 20-30 минут между каждым. В 08:20 судья должен быть на работе. До начала первого процесса судья выполняет следующие работы:

- проверяет протоколы с предыдущего дня;
- знакомится с поступившими материалами;
- изучает статистику по исполнению судебных решений и даёт соответствующие указания по ним.

В 09:20 судья начинает предварительное слушание. Объявление состава суда, зачитывание прав, заявление ходатайств и дача пояснений занимает в среднем 15-20 минут. В день бывает несколько предварительных заседаний, остальные дела рассматриваются по существу. По делам касающихся административного правонарушения присутствуют два три человека, это – правонарушитель, потерпевший и сотрудник внутренних дел. Административные материалы поступают из органов прокуратуры, налогового комитета, таможенного комитета и из других органов. Исходя из этого формируется состав участников процесса. Если рассматриваемое дело касается составляет публичных правоотношений, то количество участников процесса минимум пять-шесть человек и соответственно процесс может продолжаться от часа до двух часов.

С 13:00 до 14:00 обед, который у судьи занимает около получаса. После обеда график рассмотрения дел меняется, так как рассмотрение дел не укладывается в назначенный график. В итоге последнее заседание начинается на минут 50 позже, чем планировалось. Последнее заседание суда заканчивается в 18:40.



На сегодняшний день продуктивность работы в судах зависит от многих факторов. Из собственного опыта можно сказать, что в коллективе трудно организовать работу, когда люди не владеют современными приемами и новейшими методами работы, не улучшают свой персональный рабочий стиль.

В судебной системе существуют такие факторы, которые мешают эффективно использовать время.



**Оставлять дела на потом** – постоянное откладывание дел на потом, нежелание выполнять определенные обязанности. В лексиконе некоторых сотрудников часто используется слово «завтра». В результате такого отношения своим обязанностям приводят к обоснованным претензиям граждан.

**Недостаток знаний.** Как и во всех сферах государственной службы и в судебной системе встречаются, мягко говоря, недостаточно грамотные сотрудники. Это может быть следствием нехватки практических навык или отсутствием интереса к данной профессии.

Председатель суда должен всегда иметь в виду, что хороший сотрудник судебной системы должен уметь:

- толковать и применять законы и другие нормативно-правовые акты;
- юридически правильно квалифицировать факты и обстоятельства;
- разрабатывать документы правового характера, осуществлять правовую экспертизу нормативных актов, правильно квалифицировать деяние правонарушителей;
- принимать правовые решения и совершать иные юридические действия в точном соответствии с законом;
- вскрывать и устанавливать факты правонарушений, определять меры ответственности.

Если у сотрудника отсутствуют вышеизложенные качества, то это, безусловно, отразится на работе коллектива.

**Перфекционизм** – очень сильно затрудняет выполнение задач точно в срок. На первый взгляд это может казаться сильной стороной сотрудника, но именно постоянное стремление к совершенству и неудовлетворенность полученными результатами является одной из причин неэффективного использования времени. Находя возможности принять «реальный» результат вместо «идеального», вы экономите значительные ресурсы времени для других дел.

Работая в судебной системе на протяжении многих лет вырабатывается методика управления временем благодаря которому можно добиться выполнения поставленных задач.

Только эффективное планирование рабочего времени позволит сократить время и повысить объем выполняемых вами дел.

**Luqmon ASATOV,**

*Chairman of the  
economic court of  
Pastdargom region*

## CURRENT CHALLENGES IN THE TIME OF EMPLOYEE WORK AND MEASURES TO OVERCOME THEM

*New legislation is being adopted in the Republic of Uzbekistan in the construction of civil society, and the protection rights of citizens are being strengthened. As a basis for these works, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On the Strategy on the Further Development of the Republic of Uzbekistan» dated February 7, 2017, are guaranteed.*

First of all, the types of working hours envisaged by the Labor Code are as follows:

- ✓ normal working hours;
- ✓ shorter working hours;
- ✓ missing working time.

The normal working time the first part of Article 115 of the Labor Code states that working hours may not be more than forty hours per week during six working weeks and five working weeks. According to the second part of Article 115 of the Labor Code, if the enterprise has a six-day working week, the daily work duration should not exceed seven hours, and within five business days - not more than eight days.

Those who think that the standards set out in the law are applicable only to state-owned companies. The requirements for

compliance with these norms are applicable to all enterprises, regardless of ownership, to individuals, as well as those employed by hired laborers. In addition to the above-mentioned requirements, other requirements of the labor code should also be taken into consideration when calculating the normal working time of a particular period. In particular, on the eve of holidays, the duration of daily work and nighttime work should be reduced to at least one hour, and so on.

Shorter working hours for certain categories of workers, taking into account the age, state of their health, the conditions of work, the specific features of work and other circumstances, may be deducted from labor laws and other normative acts, a shorter working time will be set. Shorter working hours are determined for:

- ✓ employees under the age of eighteen;
- ✓ Persons with disabilities of I and II groups;
- ✓ Women working at institutions and organizations financed from the budget, whose children are under three years;
- ✓ Employees engaged in unfavorable working conditions;
- ✓ Specialists (including those with high levels of emotions, mental retardation and nervous breakdowns, particularly medical staff and pedagogues).

What are the topicalities of today's workforce? First of all, problems related to labor relations, working hours in public sector and working hours in the private sector. The duration of the working hours of





the public sector employees may continue to be incompatible with the approved work schedule, as well as the actual time spent on the employee overtime, as stipulated in the labor contract, or overtime working hours established by labor law. In addition, the length of time spent in the private sector is adjusted relative, or the employee is working in extreme pressure, but we can also see the non-scheduled schedule of work hours in this area. The recent International Labor Organization meeting also noted that working hours in Uzbekistan after the expiration of an employee's working hours at 18.00 should be considered as violation of the labor and socio-cultural rights of the employee, as a worker. It is clear that employees' normal working hours are first of all the place and authority of the country in the international community, as well as human rights issues. Therefore, it is crucial to ensure the normal working hours of employees in the Republic of the Uzbekistan.

We offer the following suggestions on measures to overcome the current shortcomings in the work time of the staff.

Firstl, there are problems in the social life of the employee, which may be overtime or overtime, as defined in the Labor Code. In this regard, it is necessary to reinforce the employer's material responsibility and administrative responsibility for our employees' work schedule. Because, in our country, we can see the work of the employees without the expiry of working hours in organizations.

Secondly, introducing the staff with working schedule and scheduling tables, that is, ignoring their rights creates problems and shortcomings in this regard. .

Thirdl, in the employment contract, concluded between the employee and the employer, the employer must provide his / her personal accountability in case of non-compliance by the employer, whereby the established trade union or other representative body of the workers, upon the conclusion and enforcement of this agreement, controlling

Fourthl, it is necessary to specify a shortened and overtime work, that is, the circumstances that the worker can fix.

Fifthl, strengthening public and human rights monitoring over work time and non-working hours, and taking concrete steps to address the alleged breach of law;

Sixth, it is necessary to involve the employees who have the basic day-offs at night or off-duty work, in order not to involve other employees in the enterprises and organizations for a special duty.

Employee performance in normal work, first and foremost, is the country's role in the international community as well as human rights issues. Therefore, it is crucial to ensure the normal working hours of employees in Uzbekistan. To this end, it is necessary to make changes info the Labor Code, analyze emerging and emerging problems in relation to the working hours of employees, develop proposals on their prevention and bring them to the public discussion.

### List of used literature:

1. Labor code of the Republic of Uzbekistan.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 №4947 «On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan».

## ЭШИК ОРТИДАГИ КИМ..?

*...2019 йил 18 февраль куни одатдагидай тонг отди. Комила (мақолада келтирилган исм-фамилиялар ўзгартирилган) соат 7:30 ларда турмуш ўртогини шига жўнатгач соат 8.00 ларда катта фарзандини болалар боғчасига тезда ташлаб уйига қайтиб келди. Чунки, ҳомиладор бўлганлиги учун уч яшар ўғли билан уйда ўтиради.*

Кундалик юмушлар билан машғул бўлиб юrar экан, соат 9:30 ларда уй эшиги тақиллади. Эшикнинг тирқишидан қараганида икки киши турганлигини кўрди. Улардан бири газ ходимлари кийиб юрадиган қизил ҳошияси бор кийимда, иккинчиси эса қора рангли курткада – фуқаролик кийимида эди. У эшикни очмасдан, “Ким?”, деб сўради. Эшик ортидан “Биз райгаздан келдик”, деган жавобни эшигтгач, эшикни очди. Остонада кўлларида худди газ идораси ходимлариникига ўхшаш сумка осиб олган икки киши турарди.

– Биз “димоход”ларни текшириб юрибмиз, – деди улардан бири. Бироқ, Комила “димоход”ларни яқинда текширириб олишганини айтгач:

– Ундан бўлса, газ ҳисоблагични кўрсатинг, – дейишиди.

– Газ ҳисоблагич “подъезд”га киравериша турибди-ку, – жавоб қайтарди Комила ажабланиб.

Шунда улардан бири ҳисоблагични кўргани пастга тушиб кетди, иккинчиси эса тўловлар қайд этилган китобчани кўрсатишни сўради.

Уй эгаси бир зумда тўлов китобчасини олиб чиқиб кўрсатар экан, “текширувчи”нинг кўллари қалтираётганлигига эътибор қаратди. Шу пайтда ҳисоблагични кўриб қайтган иккинчи шериги нимагадир эшикни маҳкам ушлаб олди. Кўнглига шубҳа оралаб, эшикни ёпмоқчи бўлганида тўлов китобчасини кўраётган йигит бирдан уни зўрлик билан итариб, ичкарига судради. Кўли билан оғзи-бурнини беркитиб бўға бошлади. Комила кучи борича қаршилик кўрсатиб юлқинар экан, бояги киши уни оёғига тепиб ерга йиқитди ва “Пулнинг жойини айт!”, деб дағдага қилди. Шу пайт Комиланинг уч ёшли ўғилчаси чиқиб, “Аямни қўйиб юбор!”, деб бор овозида йиглай бошлади. Ўз навбатида Комила ҳам йиқилиб ётган жойига яқин бўлган трюмони тепиб шовқин солди. Вокеанинг бундай суръатда давом этишини кутмаган иккинчи босқинчи ортга чекинишга қарор қилди шекилли, имо-ишора билан шеригини кетишига ундади. Уни бўғиб турган киши “Мен ҳозир кетаман, фиринг демайсан, эрингга ҳам айтмайсан, милиция ҳам чақирмайсан, агар милиция чақирадиган бўлсанг, келиб болангни ва ўзингни пичноқлаб кетаман”, деб воеа жойидан тезда фойиб бўлди.

Улар чиқиб кетгач, Комила балкон томондаги деразани очиб, “Ким бор, ёрдам беринглар！”, деб бақирди. Шу вақтда уларнинг тўғрисидаги эр-хотин ўшниси келаётган шовқинни эшишиб тезда ёрдамга



ошиқди. Қўшнисига биринчи ёрдам кўрсатиб, “Тез ёрдам” ва ИИБ ходимларини чақиришди...

Хуллас, ушбу босқинчилик жиноятини содир этганлар узоққа бора олишмади. Бойлик илинжидаги “ҳамкорлар” ушланиб, суд хукмига топширилди. Улардан бири Бекобод шахрида яшовчи, 1978 йилда туғилган, ўрта маълумотли Хурсанд Толипов бўлиб, бирор жойда ишламайди. Оиласи, З нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган. Иккинчиси эса, Бекобод шахрида яшовчи, 1993 йилда туғилган, тўлиқсиз ўрта маълумотли Шавкат Рахимов ҳам ишламайди. Оиласи, муқаддам судланмаган.

Судда судланувчилар Х.Толиповга таниш бўлган “далварзин”лик Ш.Ҳазраткулов “Ласетти” русумли автомашинасини сотганлигидан хабар топиб, бу пулни талон-торож қилиб кўлга киритиш мақсадида жиноий шериги Ш.Рахимов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ушбу босқинчилик режасини тузганликларига иқор бўлдилар.

2019 йил 18 февраль куни соат 9 ларда эрталабдан спиртли ичимлик истеъмол қилиб олган икки босқинчи “Далварзин”да яшовчи Ш.Ҳазраткуловнинг боришиди ва уйда аёл кишининг вояга етмаган фарзанди билан ёлғиз эканлигидан фойдаланиб, юқорида баён этилган босқинчилик жиноятини содир этишади.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, жиноят иши ҳужжатлари ва келтирилган далилларга асосан холисона хукм чиқарди. Х.Толипов ва Ш.Рахимовлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 164-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилди ва Х.Толиповга 10 йил, Ш.Рахимовга 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

**Хайруллахон КАМОЛОВ,**

Жиноят ишлари бўйича  
Бекобод тумани суди раиси.



# Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши



## Кенгаш ҳузуридаги Судъялар олий мактаби



## Ўзбекистон Судъялари Ассоциацияси

*Республикамизда фаолият юритаётган  
барча судъялар ва суд тизими ходимларини  
ҳамда соҳа фахрийларини кириб келаётган  
янги – 2020 йил билан муборакбод этади.*

*Янги йилда янги давр нафаси ва шижоати билан  
адолатли қарорлар қабул қилиши ва одиллик  
йўлида олиб бораётган масъулиятили  
ишларингизга мувафаққият тилайди.*

*Доимо дастурхонингизда қут-  
барака, хонадонингизда эса хотиржамлик  
ва хурсандчилик ҳукмрон бўлсин!*



# 2020



## Хурматли юртдошлар!

“ЯНГИЙҮЛДАВСУВМАХСУСПУДРАТ” ДУК  
корхонаси жамоа аъзолари, Сизларни кириб  
келаётган янги – 2020 йил билан самимий  
қутлайди. Янги йил дастурхонингизга  
тўкин-сочинлик, қут-барака ва  
хонадонингизга хотиржамлик олиб келсин!

Янги йилда янги зафарлар ва қўтариғи  
кайфият ёр бўлсин!